

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

ЙЎНАЛИШИ

**«ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ
МУНОСАБАТЛАР »**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: Исмаилова Н.С. – ТДИУ, “Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси мудири, доцент, иқтисодиёт фанлари номзоди

Мамаев Б.Н. – ТДИУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази бўлим бошлиғи, иқтисодиёт фанлари номзоди

Тақризчи: Исломов Б.А. – Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Ўқув-услубий мажмуга Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан тасдиқга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	17
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР	44
V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР	51
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	52
VII. ГЛОССАРИЙ.....	55
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	71

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида бериладиган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хукуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Ушбу дастурда хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига асосланган ҳолда, корхона ва ташкилотларда инновацион фаолият ҳолати, уни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион ёндошувлар иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг амал қилиши муаммолари, тегишли чора-тадбирлар белгилаш борасидаги вазифалар баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Халқаро иқтисодий муносабатлар” модулининг **мақсади** халқаро иқтисодий муносабатларга оид назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш, халқаро иқтисодий муносабатлардаги муаммоларини аниқлаш ва баҳолаш, иқтисодий ривожлантириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳисобланади.

“Халқаро иқтисодий муносабатлар” модулининг **вазифалари**:

• замонавий халқаро иқтисодий муносабатларининг ривожланиш жараёнлари бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш;

• замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклаш;

• ташқи иқтисодий муносабатлар ривожланишининг обеъктив зарурлигини, унинг йўналишлари ва хусусиятларини таҳлил қилиш;

• ташқи иқтисодий муносабатларни тартибга солиш усуслари ва қарашлар концепциясини очиб бериш;

• глобал ўзгаришларнинг халқаро иқтисодий муносабатларга кўрсатадиган таъсирини баҳолаш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Халқаро иқтисодий муносабатлар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- халқаро иқтисодиёт борасида мавжуд ҳолат ва юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш йўлларини билиши борасида **билимларига эга бўлиши**;

Тингловчи:

- халқаро иқтисодий муносабатлар жараёнларини таҳлил қилиш, тенденцияларни баҳолаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- замонавий билимларни қўллаш орқали муаммолар ечимини топиш, уларни бартараф этиш ва қарорлар қабул қилиш борасида **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Халқаро иқтисодий муносабатлар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўкув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиши метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий хужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтлиқда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий хужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги “Жаҳон иқтисоди” ҳамда “Халқаро молия бозори ва институтлари” билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Хозирги глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ва унинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикализ миллий иқтисодиётидаги ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустакил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси						
			Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот	Жумладан	Кўчма машғулот		
1.	Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари	4	4	2	2	-	-	-	
2.	Халқаро ишчи кучи миграцияси	2	2	-	2	-	-	-	
3.	Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниилар	6	6	2	2	2	-	-	
4.	Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлар	2	2	-	2	-	-	-	
	Жами:	14	14	4	8	2	-		

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари

Эркин савдо ва протекционизм: Халқаро савдода давлатнинг роли. Савдо сиёсати инструментлари. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш. Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш инструментлари. Тарифли ва нотариф усуллар.

Божхона тарифлари ва божлар. Божга тортиш меъёри. Тариф эскалацияси. Тарифларнинг иқтисодий роли: Тарифнинг кичик мамлакат иқтисодиётiga таъсири. Тарифнинг катта мамлакат иқтисодиётiga таъсири. Даромад эффиқти ва чегаравий эффиқт. Ҳимоялаш ва истеъмол эффиқти. Ички ва ташқи даромад эффиқти. Тариф сиёсатининг маҳсус ҳолатлари: Оптимал тариф. Тариф квотаси. Экспорт тарифи. Тарифга қарши аргументлар. Тарифни ёқловчи аргументлар. Миллий иқтисодий фаровонлик. Ўзгарувчан божхона божлари. Экспорт божининг фискал ва мувозанатлаш вазифалари. Тарифлар ўрнатилишига турлича қарашлар. Ёш тармоқларни хорижий рақобатдан ҳимоялаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш.

Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солишнинг нотариф усуллари. Миқдорий чеклашлар: Нотариф усулларни ўлчаш. Квоталаш ёки контингентлаш. Лицензиялаш. «Кўнгилли» экспорт чеклашлари. Нотариф усулларни миқдорий жиҳатдан квалификациялаш. Миқдорий чеклашлар. Чеклашларнинг импортёр учун умумий иқтисодий эффиқти. Савдо сиёсатининг яширин усуллари: Техник тўсиқлар. Миллий стандартларга риоя қилиш. Импорт маҳсулоти сифати тўғрисида сертификат олиш. Товарларни маҳсус қолиплаш ва маркировкалаш. Санитария-гиена меъёrlарига риоя қилиш тўғрисида талаблар қўйиш, ички солиқлар ва акцизлар.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари ва тартибга солишнинг ноиқтисодий усуллари: Субсидиялар. Демпинг. Савдо шартномалари. Ҳуқуқий режимлар. Миллий экспортёрларни қўллаб-қувватлашга қаратилган пул тўловлари. Экспорт субсидияси. Демпингга қарши божлар. Икки ҳамкор давлат томонидан савдони амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини белгиловчи икки томонлама шартномалар имзолаш. Кулай савдо режими ўрнатиш. Кўптомонлама келишувлар имзоланиши.

2-мавзу. Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

Четга капитал чиқариш халқаро иқтисодий муносабатларни кўринишларидан биридир. Капитал чиқаришни сабаби ва моҳияти. Тўғри портфель инвестициялар. Жаҳон иқтисодиётida халқаро қарзлар (заёмлар), уларнинг тутган ўрни. Ривожланишда расмий ёрдам тушунчаси. Капитал чиқаришнинг асосий йўналишлари, қўламилари. Инвестицион иқлим.

Капитал олиб чиқишининг моҳияти ва кўринишлари: Жаҳон капитал бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш жараёни. Капитал олиб чиқиши

кўринишлари. Умумжаҳон банки гурухининг фаолияти. Жаҳон капитал бозорининг замонавий кўриниши. Капиталларни ички муомаладан олиб максимал даражада фойда олиш мақсадида хорижга чиқариш. Ривожланган капитал бозорлари.

Тўғри ва портфель инвестициялар: Тўғри хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва аҳамияти. Портфель инвестицияларнинг хусусиятлари. Инвестицион муҳит тушунчаси. ТМКнинг фаолияти қўламиининг кенгайиши - тўғри капитал қўйилмаларининг энг етакчи тамоили сифатида. Хориждан молиявий ресурслар жалб қилишнинг зарурый иқтисодий омиллар.

Капитал экспорти жуғрофий тузилмасидаги ўзгаришлар. Капитал экспортининг замонавий жуғрофий тузилмаси. Жаҳон капитал бозорида Ўзбекистоннинг ўрни. Ривожланган иқтисодиётлар ролининг ортиб бориши. Жаҳон бозорига янги индустрисал мамлакатларнинг катта гурухи ва собиқ социалистик давлатларнинг кириб келиши.

Жаҳон иқтисодиётида Трансмиллий корпорациялар (ТМК). ТМКнинг ташкил топиши, фаолияти ва ишлаб чиқаришни байналмиллашувдаги роли. ТМКлар ва янги саноатлашган давлатлар. ТМКлар фаолиятини халқаро бошкарнуви. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари. Бош компания, ассоциациялашган фирмалар, шўъба корхоналар, кичик шахобчалар. ТМКнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти. ТМК фаолиятининг янги кўринишлари: лизинг и факторинг.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиши ва бошқариш йўллари

1. Халқаро савдода давлатнинг роли
2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишининг тарифли усувлари
3. Тариф сиёсатининг асосий кўринишлари
4. Тарифли бошқарувнинг афзаллик ва камчиликлари
5. Ташқи савдони тартибга солишининг нотариф усувлари

Калит сўзлар: ташқи савдо ҳажми, экспорт, импорт ҳажми, ташқи савдода саноат маҳсулотларининг улуши, ЖСТ билан ҳамкорлик, ривожланган мамлакатлар билан савдо-иктисодий ҳамкорлик, ташқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш.

2-амалий машғулот.

Халқаро ишчи кучи миграцияси

1. Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари
2. Мехнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари
3. Халқаро ишчи кучи миграциясининг миллий иқтисодиётга таъсири
4. Ишчи кучининг халқаро миграциясининг экспортёр-импортёр мамлакатларга иқтисодий таъсири
5. «Ақлли кишиларнинг кетиб қолиш» муаммосининг моҳияти

Калит сўзлар: Ишчи кучи миграцияси, ишсизлар, ишга лаёқатли шахслар, ишчи кучини экспорт-импорт қилувчи мамлакатлар, “ақлли кишилар”нинг кетиб қолиш муаммоси.

3-амалий машғулот.

Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

Мухокама этиладиган масалалар:

1. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида
2. Капитал экспортининг асосий шакллари ва унинг ўзига хос томонлари
3. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари
5. Жаҳон хўжалигига трансмиллий корпорацияларнинг роли

Калит сўзлар: капитал миграцияси, портфель инвестициялар, тўғри инвестициялар, ТМК, трансмиллашувнинг жаҳон иқтисодиёти ва мамлакатлар иқтисодиётига таъсири

4-амалий машғулот.

Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлар

Мухокама этиладиган масалалар:

1. Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва таркиби
2. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари
3. Халқаро резерв валюта бирликлари
4. Европа валюта тизими
5. Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари

Калит сўзлар: валюта курси, валюта паритети, олтин стандарт тизими, олтин-девиз стандарти тизими, олтин-валюта стандарти тизими, Ямайка тизими, СДР, ссуда бозори, евробозорлар, евродоллар.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР

Мазкур модулнинг ўқув режа ва дастурида “Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар” мавзусида 2 соат кўчма машғулот режалаштирилган.

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъruzалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиягини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиягини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳсининг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, муроқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар мұхитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалға оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суринш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли муроқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалға ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл кўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, хуносалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, мұхокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, муроқот маданияти, коммуникатив кўникумаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув групахи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро грухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

- Хар бир груп, ичидаги умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилик



ФСМУ технологияси Қоидаси.

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда хамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик холда бахслашишга хамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа холатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг

SWOT-таҳлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган;

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;

Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилиниңг муваффақияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қўйидагича талқин қилиш мумкин:

«Т - схема» техникаси

- бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган; бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, бир ғоянинг икки томони, фойда ва заарлари;

- танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлаш муваффақияти ривожлантиришига ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, химоя қилишга имкон яратади; маъруза якунида қўлланилади;

Т-схема қонун-қоидалари билан танишиб чиқади. Якка таркибда ёки жуфт-жуфт бўлиб Т-схемани тўлдиради

Ўз ғояларини ёзма равиша ўнг ва чап тарафларида ёзиб чиқа-дилар. Ғоялар қарамакши бўлиши мумкин.

Схемадаги ғоялар таққосланиши ва якка тартибда, жуфт-жуфт ҳолда ёки кичик гурухларда тўлдирилиши мумкин.

Ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-мавзу. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари

Режа:

- 1.1. Халқаро савдода давлатнинг роли**
- 1.2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуллари**
- 1.3. Тариф сиёсатининг асосий кўринишилари**
- 1.4. Тарифли бошқарувнинг афзаллик ва камчиликлари**
- 1.5. Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари**

Таянч иборалар: ташқи савдо ҳажми, экспорт, импорт ҳажми, ташқи савдода саноат маҳсулотларининг улуши, ЖСТ билан ҳамкорлик, ривожланган мамлакатлар билан савдо-иктисодий ҳамкорлик, ташқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш.

1.1. Халқаро савдода давлатнинг роли

Ҳар қандай давлатнинг ташқи савдо сиёсати ҳукуматнинг умуниқтисодий йўналишининг муҳим таркибий қисми саналади, янада торроқ маънода эса экспорт-импорт товар оқимлари ҳажми, товар таркиби ва жуғрофий йўналишини тартибга солиш билан боғлиқ бюджет-солиқ фаолияти соҳаларидан биридир.

Ташқи савдо сиёсати хўжалик ривожланишининг ички жиҳатлари билан узвий боғлиқ бўлганлиги учун унинг бош вазифаси мамлакат ичкарисида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва миллий бойликни кўпайтириш учун зарур бўлган қулай ташқи иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш ҳисобланади.

Эркин савдо сиёсати (ёки фритредлик — инглизча free trade) иқтисодий ҳаётнинг бир ҳодисаси сифатида XVIII асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Унинг назарий жиҳатдан асосланишида А. Смитнинг машхур асари - «Халқлар бойлиги табиати ва сабаблари» ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Фритредлик назарияси бошқа бир инглиз иқтисодчиси Д. Рикардо асарларида ривожлантирилди ва деярли ниҳоясига етказилди. Д. Рикардо Адам Смитнинг рақобат шароитида эркин тадбиркорлик аҳамияти ва мамлакат иқтисодиётини «кўринмас қўл» ҳукмронлигига, яъни бозорнинг ўз-ўзини бошқариш қонунлари ихтиёрига топширувчи жамиятнинг «тунги қоровули» сифатидаги давлат роли хақидаги ғояларини ривожлантириди.

Эркин савдо сиёсатининг классик намуналарини XIX асрнинг иккинчи ярмидаги инглиз-саксон мамлакатлари, айниқса, Буюк Британия ва унинг доминионлари (1947 йилгача Британия таркибига кирган, расмий жиҳатдан мустакил бўлган давлатлар) иқтисодиётида кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтга келиб фритредлик тизимининг классик кўриниши давлат ихтиёрида бўлган бирор-бир мамлакат қолмади. Давлатнинг нуфузли ташкилотларини тартибга

солиш борасида ролини сезиларли ошганлигини ҳисобга олсак, бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Бироқ эркин савдо сиёсатининг унсурлари кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий курсида ҳозир ҳам сезиларли, айниқса, ривожланган ва ҳудуди ҳамда ресурслари жиҳатидан кичик бўлган мамлакатларда, масалан, Сингапурда.

Иқтисодий назарияда одатда эркин савдо протекционизм сиёсатига (ингл. protection — ҳимоя, ҳомийлик), яъни миллий иқтисодиётни ички ва ташқи бозор тамойилларининг салбий таъсиридан ҳимоялаш мақсадида давлат томонидан жорий этиладиган иқтисодий ва маъмурий чора-тадбирлар тизими қарама-қарши қўйилади.

Протекционизм ўз моҳиятига кўра, илк давлатлар шаклланган пайтдан буён мавжуд. Бу сиёсатнинг принциплари назарий жиҳатдан америкалик давлат арбоби А. Гамильтон (XVIII асрнинг охири) ва таниқли немис иқтисодчиси Ф. Лист (XIX асрнинг ўрталари) асарларида ишлаб чиқилган. Бироқ протекционизм амалий чора-тадбирлар серияси сифатида сайёрамизда сўл (СССР) ва ўнг («Учинчи рейх» - фашистлар Германияси) сиёсий оқимларнинг тоталитар режими даврида ўз кульминациясига етган. Бу мамлакатларда савдо соҳасига давлат монополияси хос эди.

Юқорида қайд этиб ўтилгандек, ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий тамойили сифатида янада кўп сонли мамлакатларни аҳоли турмуш фаровонлигини ошишини таъминловчи эркин савдо сиёсатига ўтиши тан олиниб келинаётган бўлса-да, протекционизмнинг «танланган» реставрацияси деб аталган жараён ҳам кузатилмоқда.

1.2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усувлари

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш турли кўринишларда бўлиши мумкин. Уларни товар оқимларига таъсири табиатига кўра бирбиридан жиддий фарқ қилувчи иккита асосий типга ажратиш мумкин: иқтисодий ва маъмурий.

Иқтисодий (тарифли деб ҳам аталадиган) усувлардан фойдаланганда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар, энг аввало, нарх мутаносиблиги, товар ва ресурслар экспорти ҳамда импортининг сифати ва шартларига амал қилишади. Ташқи савдони тартибга солишнинг маъмурий (мос равишда тарифсиз) усувларидан фойдаланилганда бозор механизмига давлат органлари томонидан таъсир ўтказилади, уларнинг қарорлари ва ҳатти-харакатлари кўп жиҳатдан ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг хоҳишлини белгилаб беради.

Тарифли усувлар товар нархига бевосита таъсир қиласиди. Бу усувлар давлатлар ташқи савдо амалиётида энг кенг тарқалган, чунки улар бирданига учта вазифани ҳал қилиш имконини беради:

- 1) фискал — бюджет учун қўшимча маблағларни олиш;
- 2) рафбатлантирувчи — хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ривожлантириш;

3) протекционистик — миллий товар ишлаб чиқарувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш.

Ташқи савдони тарифли тартибга солиш усуллари қаторига божхона божлари, божлар, йигимлар, шунингдек, бошқа билвосита солиқлар, мас. акцизлар киради.

Тарифсиз усуллар - товар айирбошлишга таъсир қилиш дастакларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Улар кўпроқ ривожлананаётган ва ҳукумат томонидан протекционистик иқтисодий сиёсатни талаб қилувчи, бозор тузилмалари шакллананаётган ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларга хосdir.

Тарифсиз таъсир қилиш воситаларига квоталаш, лицензиялаш, экспортни субсидиялаш, демпинг, картель битимлар ва мамлакатлар ўртасидаги товар оқимларининг йўлида техник тўсиқларни яратиш кабилар киритилади.

Жаҳондаги мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича статистик ахборотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ташқи савдони давлат томонидан бошқариш тарифли ва тарифсиз усулларнинг комбинацияси ёрдамида амалга оширилади. Тарифли усулларнинг мавқеи кейинги пайтда пасайиб бормоқда, бу эса Умумжаҳон савдо ташкилот томонидан аъзо-мамлакатлар олдига қўйилган стратегик вазифа, яъни улар орасидаги ўзаро товар айирбошлишда тарифли чеклашларни босқичма-босқич бартараф этиш вазифаси билан боғлиқ. Тарифсиз чеклашларнинг аҳамияти «танловли» протекционистик савдо сиёсатининг кенгайиб бориши туфайли ортиб бормоқда.

Ташки савдони тарифли тартибга солиш усуллари қаторига божхона тарифлари, божлар, йигимлар, шунингдек, бошқа билвосита солиқлар, акцизлар киради.

1.3. Тариф сиёсатининг асосий қўринишлари

Миллий хўжалигининг ҳолатига боялик равишда божхона сиёсати олиб боришнинг икки вариантини ажратиб кўрсатиш мумкин - иқтисодий ривожланган ва ривожлананаётган мамлакатлардаги божхона сиёсатлари.

Ривожланган мамлакатлар учун куп устунли тарифлар хос булиб, у турли импорт божи ставкалари: барча давлатлар учун тааллукли булган микдори баланд умумий ставкалар, энг қулай шароит яратиш режими ставкаси (икки мамлакат уртасида келишилган холда урнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби), камбагал, паст даражада ривожланган иқтисодиётли мамлакатлардан килинадиган импортлар учун белгиланган преференциал коэффицентли ставкаларни назарда тутади.

Ривожланган мамлакатлар божхона тарифларининг бошқа бир хусусияти, бу тарифларнинг 1988 йилда жорий этилган «Халқаро товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйгунлаштирилган тизими» (УТ) билан корреляцияси (ўзаро боғлиқлиги) ҳисобланади.

Ривожлананаётган мамлакатлар грухси божхона сиёсатининг узига хос хусусияти экспорт божларидан кенг куламда фойдаланиш ва нисбатан юкори импорт тарифи ставкаларини ушлаб туриш (бу ставкалар ривожланган

мамлакатлар учун мисли курилмаган даражага етади - 50-100 фоизгача, Миср, Эквадор, Покистонда ҳатто бундан ҳам юқори) хосдир.

Бундан ташкари купчилик ривожланаётган мамлакатларда, АҚШ, Япония ва Европа державаларидан фаркли равища, эски Брюссел товар номенклатурасидан янги Уйгунлаштирилган тизимга эндиғина утишмокда. Шунинг учун уларнинг баъзилари кўп колонкали тарифларни қўллайди (Сенегалда — 9 та, Малида — 17 та). Миллий тарифлар билан бир каторда жаҳрн иқтисодиётида бир неча мамлакатларни божхона иттифоқларига бирлашиши кенг таркалиб бормокда. Божхона иттифоқлари ташки савдони давлатлараро тартибга солишни турли кўринишларидан амалий фойдаланишмокда, бунда улар турли худудий ва глобал ҳалқаро ташкилотлар кўмагига суюнмокда.

Божхона божларининг моҳияти ва кўринишлари

Ташқи иқтисодий фаолият амалиётида ташки савдони давлат томонидан тартибга солишнинг энг кенг тарқалган усулларидан бири божхона божлари ҳисобланади. Божхона божи иқтисодий моҳияти жиҳатидан товар давлат чегарасидан ўтаётганда олинадиган маҳсус пул йиғими, солиқни билдиради.

Божхона божлари кўринишларининг турли-туманлиги уларнинг товар оқимларини тартибга солиш жараённада бажарадиган функцияларининг ниҳоятда кенг кўламлилиги билан тушунтирилади. Эслатиб ўтамиз, божхона божларини жорий этишдан асосий мақсад: бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш ва «ноҳалол» рақобат билан курашишдир. Шунинг учун ҳам савдога таъсир ўтказишнинг бу усулидан ҳозирги кунда жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатида фойдаланилади.

Товар оқимларининг йўналишига боғлиқ равища импорт, экспорт ва транзит божлари мавжуд.

Импорт божларини жорий қилиш миллий компаниялар (резидентлар)га ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятини беради, чунки улар жаҳон бозоридаги ўртacha даражага нисбатан юқорироқ харажатлар билан маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирги пайтда экспорт божлари анча кам қўлланилади. Улардан деярли барча ривожланган мамлакатлар вож кечишган, чунки уларни жорий қилиш жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитда экспортнинг қимматлашишига олиб келади.

Транзит божлар мамлакат ҳудудини кесиб ўтувчи товарлардан олинади ва транзит йиғимлар кўринишига эга.

Божхона божига тортишнинг иккита асосий усули мавжуд:

Маҳсус, бунда бож миқдори товарнинг оғирлиги, ҳажми миқдори бирлигидан белгиланган сумма сифатида ўрнатилади (масалан, автомобиль двигателининг 1 см³ дан).

Адвалор (лот. — ad valorem — қийматдан), бунда божхона божи сотувчи томонидан қайд этилган товар қийматидан фоиз кўринишида аниқланади.

Бундан ташкари ташки савдо амалиётида божларни ҳисоблашнинг комбинацион усули мавжуд. Унинг моҳияти шундан иборатки, маълум бир


божхона ташкилоти вазиятдан келиб чиққан холда маҳсус ва адвалор орасидаги усулни мустақил равишида танлаш ҳуқуқига эга буладилар.

Божхона божи урнатишнинг у ёки бу усулини танлаш товар гурухи табиатига боғлиқ Хомашё товарларига одатда биринчи усул қўлланилади, экспорт божларига келсак, улар ҳам одатда маҳсус усулдан фойдаланган холда ўрнатилади. Адвалор усулдан фойдаланиш бўлса, машинасозлик маҳсулотлари ва бутловчи кисмлар, яъни юкори даражада дифференциацияга эга буюмлар импортида қулай хисобланади. Ҳозирги пайтда бу усул хиссасига барча божхона йиғимларининг 80 фоизидан кўргоги тўғри келади. Савдо алоқаларидаги мамлакатлар бир-бири билан турли шартнома муносабатларида бўлганлиги учун импорт божлари: преференциал (маҳсус имтиёзли) бож, шартномавий (минимал) бож ва асосий (жаҳон бозори учун максимал даражада мумкин булган) божлар бўлиши мумкин.

Иқтисодиётда давлат томонидан ташланган протекционистик қадамлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ҳамда қисқа ва узоқ муддатли истиқболда давлатнинг ўзига ҳам ҳар хил таъсир кўрсатади. Бундай сиёсатнинг ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи миллий компанияларга таъсирини кўриб чиқишидан бошлаймиз.

1-расм. Импорт божининг миллий иқтисодиётга таъсири.

1-расм ёрдамида божининг кичик иқтисодиёт (ички нарх жаҳон нархига таъсир кўрсата олмайдиган иқтисодиёт)га таъсирини баҳолашимиз мумкин. Савдо бошланмасдан олдин, мамлакатда 100 та товар ишлаб чиқарилипти ва истеъмол қилингани, мувозанат нархи 8 долларга teng (табоба таклиф чизиқлари E нуқтада кешишган). Агар товарнинг жаҳон нархи ички нархдан паст бўлса, мамлакатга жаҳон нархида (5 доллар) 120 та товар кириб келади, ички нарх жаҳон нархи даражасигача тушиб кетади. Бунинг натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар фақатгина 40 та товар таклиф қиласди, истеъмол эса 160 тага етади. Миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш мақсадида ҳукумат 2 доллар миқдорида божхона божи жорий қиласа, экспортёрлар ўз товарини 7 доллардан сотишга мажбур бўлади ва ички бозордаги нарх кўтарилади. Бунинг



натижасида ички ишлаб чиқариш 80 та товарни ташкил қилади, импорт эса 40 тагача қисқаради. Истеъмолчилар жами 120 та товар сотиб олади. Божхона божи ўрнатилиши натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар **а** трапециянинг юзига тенг бўлган қўшимча фойда кўради. **С** тўғри тўртбурчакнинг юзига тенг бўлган сумма божхона божи сифатида давлат бюджетига тушади.

Бошқача қилиб айтганда, миллий компанияларнинг ички бозор учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари божхона солиғидан озод бўлганлиги сабабли унинг нархи импорт қилинаётган ана шундай товардан сезиларли даражада паст бўлиши мумкин, бундай шароитда хўжалик юритувчи субъектлар янги технологиялар, хомашё ва материалларни тежаш ҳисобига харжатларини камайтириш заруриятiga эҳтиёж сезишмайди. Амалда импорт ўрнини қоплашга йўналтирилган соҳалардаги миллий фирмалар ўз товарларини импорт тарифига яқин нархларда сотади, натижада қўшимча фойда кўради. Миллий компанияларнинг даромадларини ўсиши ва миллий ишлаб яиқаришнинг кенгайишини сабабларидан бири ана шунда.

Тариф квотаси импорт божи ички қарама-қаршиликка эга. Яъни ишлаб чиқарувчилар бир тарафдан халқаро рақобатдан қутилиш мақсадида бундан манфаатдор бўса, иккинчи томондан иш вактидан ташқари пайтда истеъмолчи сифатида импорт тарифига қаршидирлар. Бу зиддият қисман тариф квотасини жорий қилиш орқали ҳал этилади..

Тариф квотаси — ўзгарувчан божхона божи қўриниши бўлиб, бож ставкаси миқдори импорт қилинадиган товар ҳажмига боғлиқ бўлади: маълум чегарадаги импортга настроқ миқдордаги бож, бу чегарадан ошиб кетганда юқорироқ бож ўрнатилади.

Экспорт тарифи экспорт божлари экспорт товарлари мамлакат чегарасидан чиқиб кетаётганда олинадиган мажбурий тўловдир.

1.4. Тарифли бошқарувнинг афзаллик ва камчиликлари

ТИФ соҳасидан чеклашлар сиёсатини кенг кўламда ва фаол амалга ошириш давлатга қисқа муддатда муваффақият олиб келиши мумкин. Бу ютуқларни қўйидаги жиҳатлар билан боғлаш мумкин: миллий корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, бож, солиқ, йиғимлар ҳисобига бюджет даромадининг кўпайиши, иқтисодий хавфсизлик ва мудофаа қобилиятининг таъминланиши.

Бироқ ҳақиқатда эса, бу тактик устунликлар стратегик, узоқ муддатли истиқболдан келиб чиқсан, қарама-қарши томонга ўзгаради. Давлатнинг тариф миқдорига кўпайтирилган импорт миқдорига тенг иқтисодий ютуғи истеъмолчилар томонидан давлат фойдасига трансферт тўлов ҳисобланади. Албатта, маблағларнинг бир қисми ижтимоий эҳтиёжлар (ойликларни ошириш, нафақалар тўлаш)га сарфланиши мумкин, бироқ уларнинг катта қисми бюрократик ўзбошимчалик ва маблағларни давлат ташкилотлари орқали ўтиши билан боғлиқ харажатлар туфайли қайтариб берилмайди.

Бундан ташқари, бошқа мамлакатларнинг протекционистик жавоб тадбирларини ҳам унутмаслик лозим. Бу тадбирлар туфайли товар айланмаси

камайиб кетади, иш жойлари қисқаради, охир-оқибат бир қатор компанияларнинг маҳсулотлари миллий бозордан арzonроқ ва сифатсизроқ товар ишлаб чиқарувчи фойдасига суриб чиқарилади.

Истеъмолчилар масаласига тўхталаған бўлсак, уларнинг асосий қисми «белбоғларини маҳкам бойлаб олишлари» керак бўлади, чунки оддий одамларнинг даромадлари ишлаб чиқарувчилар фойдасига қайта тақсимланади, зеро божхона тарифи жорий этилишидан олдинги ва кейинги ички нархлардаги фарқ меҳнаткашлар (истеъмолчилар) елкасига тушади. Фақатгина импортни ўрнини қоплаш соҳасидаги компанияларнинг акцияларига эга бўлган унча катта бўлмаган айрим гурухларга киравчи истеъмолчилар олиб кириш божларидан даромад кўриши мумкин. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида протекционистик сиёсатни амалга ошириш нарх юқирилиги сабабли ички истеъмолнинг камайишига, солиқ базасининг қисқаришига ва жамият учун умуман олганда соф йўқотишларга олиб келади.

Босқичма-босқич протекционистик сиёсат тоталитар режимлар томонидан маъмурий-буйруқбозлик тизимида чекланган макон ва замонда олиб борилган.

Протекционизмнинг салбий хусусиятларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- Аҳоли турмуш даражасида соф йўқотишларнинг ортиб кетиши. Импорт божлари киритилганидан кейин харидорлар олиб кирилган товарлар учун янада юқориоқ ҳақ тўлашга мажбур бўлишади. Бу инвестицияларга айланиши мумкин бўлган истеъмолдан ортадиган жамғармаларни камайишига олиб келади.

- Янада кўпроқ мамлакатлар томонидан тариф чеклашларини жорий этилишининг занжир реакцияси билан боғлиқ халқаро кўпайтирувчи эфектнинг пайдо бўлиши.

- Миллий иқтисодиётда носамаравий соҳалар ва корхоналарнинг сақланиб қолиши. Миллий корхоналарга имтиёзлар берилиши шароитида ишлаб чиқарувчиларда харажатларни камайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга рағбат бўлмайди.

- Иқтисодий соҳада коррупция ва ўз амалидан фойдаланишнинг бошқа кўринишлари кенг тарқалади. Миллий иқтисодиётнинг «ёпиқлиги» одатда ТИФнинг криминаллашуви учун озуқа муҳитини яратади.

Хукуматнинг ТИФни тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар комплексини жорий этишга мажбур этувчи омиллар (ижобий омиллар) ичida қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Иқтисодиётнинг янгидан шакланаётган соҳалари қудратли хорижий компаниялар рақобатидан ҳимоялаш.

- Давлат кўмагисиз тузилмасини қайта қуришнинг иложи бўлмаган жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган «эски» соҳаларни қўллаб-куватлаш.

- Дискриминацион савдо сиёсати олиб бораётган мамлакатлар ёки компанияларга жавоб тариқасида демпинг ва хорижий рақобатнинг бошқа ноҳалол усуслари билан курашиш.

• Жаҳон бозор конъюнктурасидаги тебранишларнинг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтириш. Бу омил хомашё ва табиий ресурслар экспорт қилувчи мамлакатлар учун долзарб ҳисобланади.

• Бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш - ўтиш даври иқтисодиётли ва ривожланган мамлакатларда давлат бюджети кўпинча протекционистик сиёсатнинг таркибий унсурлари бўлган божхона божлари ва бошқа эгри солиқлар ҳисобига амалга оширилади.

Шундай қилиб, протекционизм ташқи савдо операцияларига турли-туман чеклашларни жорий этувчи давлатга вақтингчалик, тактик ютуқ келтирса-да, стратегик, узок муддатли режада истиқболсиз сиёсат ҳисобланади. Бу сиёсат XX аср тажрибасидан маълумки, хаёт даражасининг ва аҳоли турмуш фаровонлигининг пасайишига олиб келади. Шундай бўлса-да, иқтисодий эркинлаштириш курсини сақлаган ҳолда протекционизмнинг айrim унсурларидан оқилона фойдаланиш маълум вақт оралиғида миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

1.5. Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари

Нотариф усуллар - товар айирбошлишга таъсир килиш дастакларини, яъни олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулот ҳажми ва номенклатурасини чеклашни билдиради. Нотариф усуллар микдорий, молиявий, яширин ва ноиқтисодий усулларга ажратилади. Улар кўпроқ ривожланаётган ва хукumat томонидан протекционистик иқтисодий сиёсатни талаб қилувчи, бозор тузилмалари шаклданаётган ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларга хосдир.

Жаҳондаги мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича статистик ахборотлар таҳдили шуни курсатадики, ташки савдони давлат томонидан бошкариш тарифли ва нотариф усулларнинг комбинацияси ёрдамида амалга оширилади. Тарифли усулларнинг мавқеи кейинги пайтда пасайиб бормоқда, бу эса Умумжаҳон савдо ташкилоти томонидан аъзо-мамлакатлар олдига куйилган стратегик вазифа, яъни улар орасидаги ўзаро товар айирбошлишда тарифли чеклашларни боскичма-боскич бартараф этиш вазифаси билан боғлик.

Нотариф таъсир килиш воситаларига квоталаш, лицензиялаш, экспортни субсидиялаш, демпинг, картел битимлар ва мамлакатлар ўртасида товар оқимлари йўлида техник тўсиқларни яратиш кабилар киритилади.

Квоталаши ёки контингентлаши

Умуман олганда, бошқа мамлакатлар билан савдони давлат томонидан тартибга солишнинг нотариф усулларининг 50 дан ортиқ тури мавжуд. Уларнинг ичида энг кенг тарқалгани квоталардир. Агар тарифли усуллар аниқ бир товар грухи бўйича экспорт ёки импорт ҳажми масаласини очиқ қолдирса, квоталар олиб кириладиган ёки олиб чиқиладиган маҳсулотнинг қиймат ёки микдорий ҳажмини тўғридан тўғри чеклаш воситаси бўлиб хизмат қиласи.

Импорт квоталарини жорий қилишда давлат миллий ишлаб чиқарувчиларга хорижий рақобат таъсирини бартараф қилишга интилади. Бундай квоталарнинг ҳаракат механизми импорт тарифларидан фойдалангандаги ҳолатни эслатади, яъни импорт товарлар таклифи чекланганда

ички баҳолар жаҳон нархига нисбатан ўсиб боради. Бироқ тарифдан фарқли равища, импорт квоталари хорижий ракобатнинг ички нархларга таъсир қилишига йўл қўймайди, бу орқали импортдан келадиган фойдани қўпайтиради ва мамлакат тўлов балансини мувозанатга келтириш жараёни осонлаштиради. Халқаро битимлар орқали қатъий белгиланувчи тариф ставкалари ўрнатилган вазиятда мамлакат юқоридаги масалани ҳал эта олмайди, УСТ экспорт-импорт операцияларга миқдорий чеклашлар жорий қилишга рухсат беради.

Ўз навбатида, экспорт квоталари миллий ишлаб чиқарувчиларни етарли табиий ресурслар билан таъминлаш, жаҳон бозоридаги экспорт баҳоларини кўтариш ва ҳарбий-стратегик мақсадларга эришиш кабиларга қаратилган.

Импорт квоталари каби экспорт квоталари ҳам мамлакат ҳукумати томонидан бир томонлама тартибда ёки манфаатдор ҳамкор билан халқаро келишув хулосаси орқали жорий этилиши мумкин. Улар глобал ёки маълум даврда амал қилувчи мавсумий бўлиши мумкин.

Лицензиялаш

Квоталаш жараёни (бошқача қилиб айтганда, контингентлаш), одатда, лицензиялаш, яъни маҳсус рўйхатга киритилган ресурслар ва маҳсулотлар билан ташқи савдо операцияларини амалга оширишга ваколатга эга бўлган давлат ташкилотлари (вазирликлар ва маҳкамалар) томонидан рухсат бериш билан биргаликда кузатилади.

Кўпчилик давлатларда ташқи иқтисодий фаолиятни лицензиялашни жорий қилиш халқаро ҳуқуқий актларга асосланади, уларнинг ичидаги энг асосийиси 1947 йилда имзоланган Савдо ва тарифлар бўйича Бош битим (ГАТТ) ҳисобланади. Кейинчалик ГАТТ доирасида баъзи бир бошқа шартномалар имзоланган.

Ташқи савдони лицензиялаш турли кўринишларни олиши мумкин: бош лицензия, бир марталик лицензия ва автоматик лицензия. Бош лицензиялар унинг эгасининг маълум товар гуруҳи билан маълум вақт оралиғида (одатда бир йилдан уч йилгача) экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини билдиради. Бир марталик лицензия компанияларга хорижий ҳамкор билан аниқ бир битимни амалга ошириш учун берилади. Автоматик лицензия давлат томонидан харидни, яъни харид ҳажмини ҳам, товар оқимларининг жуғрофий йўналишини ҳам доимий равища назорат қилишни назарда тутади.

Лицензияларни жойлаштиришнинг асосий усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Очиқ конкурс — бунда максимал нарх таклиф қилган фирма лицензияга эга бўлади;
- яққол афзаллик тизими - бунда давлат ана шу соҳадаги энг обрўли компанияларга лицензия беради;
- ҳаражатлар усули - бу ракобатчиларига нисбатан каттароқ ишлаб чиқариш қувватларига ва бошқа ресурсларга эга корхоналарга лицензия беришни англаради.

Ўз-ўзидан тушунарлики, келтирилган усуллар ичида энг афзали коррупция ва ошна-оғайнигарчиликдан холи бўлган очик конкурс усулидир.

Евropa Иттифоқига аъзо-мамлакатлар орасида экспорт-импорт операцияларини лицензиялаш товар айланмаси умумий ҳажмининг 5-6 фоизи даражасига етади (квоталаш ва лицензиялаш бўйича ўзига хос «лидер» Франция ҳисобланади).

Лицензиялашни талаб этадиган товарлар рўйхатига биринчи навбатда экспортга мўлжалланган квоталанадиган маҳсулотлар, шунингдек, баъзи бир маҳсус гуруҳдаги товарлар: стратегик аҳамиятга эга товар ва ресурслар, доридармонлар, болалар ассортименти ва бошқалар киради.

«Кўнгилли» экспорт чеклашлари

Мутахассисларнинг фикрича, экспорт квоталарининг муҳим турларидан бири кўнгилли экспорт чеклашлари (КЭЧ) ҳисобланади. КЭЧ ҳолатида экспортёр-давлат «кўнгилли» равишда бошқа мамлакатга олиб чиқадиган маҳсулоти ҳажмини чегаралайди ва ҳамкор тазийки остида минимал импорт нархларини ўрнатади. Бундай амалиёт АҚШ ва Евropa Иттифоқида Япония товарлари (автомобиллар, электроника, пўлат)га нисбатан кенг қўлланилади. Ҳозирги пайтда жаҳонда бундай турдаги 100 дан ортиқ битимлар имзоланган, бироқ УСТ аъзо-мамлакатлар олдига улар ўртасидаги савода XXI аср бошларига келиб КЭЧни умумий бекор қилиш вазифасини қўймоқда.

Маҳсус, мантиқий ниҳоясига етказилган квоталаш усули иқтисодий санкция кўринишидаги эмбарго ҳисобланади. Бу усул бир мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи билан савдо операцияларини бутунлай таъкиқлашни билдиради. Одатда сиёсий мақсадларни кўзлаган ҳолда эмбаргони жорий қилиш бутун номенклатурадаги ёки алоҳида гуруҳдаги товарлар экспорти ёки импортини чеклашни назарда тутади. XX асрда савдони тартибга солишни бундай усулига етарли даражада мисоллар келтириш мумкин. БМТ қарорига кўра эмбарго сиёсати Ироқقا, қисман собиқ Югославия, Ливан, Эрон ва баъзи бошқа мамлакатларга нисбатан амалга оширилган.

Яширин протекционизм кўринишлари

Жаҳон амалиётида ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари ичида миқдорий ва молиявий усуллардан ташқари яширин протекционизм усулларидан фойдаланилади. Яширин протекционизм усуллари моҳияти жиҳатдан марказий ҳукумат ва ҳатто маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташқи савдо йўлига божхона табиатига эга бўлмаган турли туман тўсиқларни ўрнатишини англаатади. Яширин протекционизм усулларининг кўпчилиги халқаро савдо мувофиқлаштирилган тамойилларини бузишнинг яққол намунасидир.

Алоҳида мамлакат импорт ёки экспортни бир томонлама чегаралашида фойдаланадиган яширин протекционизм усулларининг юздан ошиқ тури мавжуд. Бу усулларни тўртта катта гурухга ажратиш мумкин:

- Техник тўсиқлар;
- Ички солиқлар ва йиғимлар;
- Давлат харидлари доирасидаги сиёсат;

- Маҳаллий компонентларнинг товар таркибида бўлишилигига талаблар.

Техник тўсиқлар – бу яширин протекционизм усули бўлиб, миллий техник, маъмурий ва меъёрлар ҳамда қоидалар шундай ишлаб чиқиладики, улар товарларни ташқаридан олиб киришга тўсқинлик қиласди. Техник характердаги тўсиқларнинг энг кенг тарқалганлари қаторига қуидагиларни киритиш мумкин:

- Миллий стандартларга риоя қилишни талаб қилиниши;
- Импорт маҳсулотни сифати ҳақида сертификат олинишини талаб қилиниши;
- Махсус қадоқлаш ва маркировкалашни талаб қилиниши;
- Маълум санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилишни талаб қилиниши;
- Атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича тадбирлар ўтказишни талаб қилиниши;
- Муракаблаштирилган божхона расмиятчиликларига риоя қилинишини талаб қилиниши;
- Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунларга риоя қилишни талаб қилиниши ва ҳоказолар.

Ички солиқлар ва йиғимлар (domestic taxes and charges) – бу яширин протекционизм усули бўлиб, улар импорт товарнинг ички нархини кўтаришга ва бу орқали унинг ички бозордаги рақобатбардошлигини пасайтиришган йўналтирилгандир. Улар ҳам марказий ҳукумат, ҳам маҳаллий ҳокимият органлари томонидан жорий қилиниши мумкин. Импорт товарлардан олинадиган солиқлар жуда хилма хил, бу солиқлар тўғри солиқлар (қўшимча қиёмат солиғи, акциз солиғи, сотишдан олинадиган солик) ёки эгри солиқлар (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар, регистрация учун ва бошқа расмиятчиликлар учун йиғимлар, порт йиғимлари) бўлиши мумкин.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари: Субсидиялар

Лицензиялашга қўшимча равишда, давлат миллий товар ишлаб чиқарувчиларни бевосита ва билвосита субсидиялар тизими, яъни мамлакат бюджетидан айрим корхоналарга ва маҳаллий ҳокимият органларига дотациялар бериш орқали рағбатлантириши мумкин. Бундан мақсад арzon импорт товарлари рақобатидан ҳимоя қилиш, энг асосийси - миллий саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт қилишни рағбатлантиришдан иборат. Бу вазиятда бевосита субсидиялар пул кўринишидаги маблағни, билвосита субсидиялар эса имтиёзли шартларда кредитлаш, солиққа тортиш, хавф-хатарни суғурталаш бўйича давлат томонидан кафолатлаш, давлат хазинаси хисобидан экспорт қилинадиган товарларни ташқи бозорларда реклама қилиш кабиларни назарда тутади.

ГАТТ (УСТ) қоидаларига мувофиқ, аъзо-мамлакатлар ўртасидаги савода бевосита экспорт субсидияларидан фойдаланиш таъкиқланган. Европа Иттифоқи доирасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бевосита экспорт субсидиялари бериш бундан мустасно. Юқорида кўрсатилган қоидаларнинг бузилиши импорт қилаётган мамлакатга компенсацияловчи

импорт божлари олиш орқали жавоб чоралар кўришга асос бўлади. Бу божлар УСТ арбитражида баҳс ҳал этилгунга қадар сақланади.

Экспорт субсидиялари миқдори ривожланган мамлакатларнинг қайта ишлаш саноати экспорти қийматининг 1 фоизидан ошмайди, бироқ айrim товар гурӯхлари учун, айниқса, ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётли мамлакатларда бу меъёр жуда катта миқдорга етиши мумкин.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари: Экспорт кредитлари

Экспорт кредитлари ташқи савдо сиёсатининг молиявий усули бўлиб, у миллий фирмалар экспорти ривожланишини давлат томондан молиявий рағбатлантиришни назарда тутади.

Экспорт кредитлари қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- Миллий экспортёрларга субсидиялашган кредитлар — давлат банклари томонидан бозор ставкасидан паст ставкада кредитлар берилиши;
- Хорижий импортёрларга давлат кредитларини берилиши, яъни кредит берган мамлакат товарини сотиб олиш шарти билан;
- Миллий экспортёрларни экспорт рискларидан суғурталаш.

Экспорт кредитлари: қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

Экспорт кредитлари бўйича энг йирик уюшмалардан бири Экспорт кредити гуруҳи – Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида экспортни кредитлаш бўйича хукумат ва агентликлар вакиллари гуруҳи ҳисобланди. Бу гуруҳ 2 йил ва ундан ортиқ муддатли экспорт кредитларини тартибга солади. Иккинчи йирик ташкилот Берн иттифоқи, яъни кредитлар ва инвестицияларни суғурталаш бўйича халқаро иттифоқдир.

Экспорт кредитларига баъзи холларда бошқа давлатларга ташки ёрдам сифатида қаралади.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари: Демпинг

Ташқи савдони нотариф усуллар билан тартибга солиш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, экспорт субсидиялари кўпинча демпингга - хорижий бозорларда экспортёр мамлакат ички бозоридаги ўртacha нархга нисбатан паст баҳоларда сотишга моддий асос бўлади.

Мутахассислар демпингнинг қуйидаги вариантларини ажратиб кўрсатишиади:

- Тасодифий — экспортёрда тасодифий ортиқча товарларни пайдо бўлиши билан боғлиқ;
- Вақтинчалик — экспортёр томонидан бошқа мамлакат бозорига тезлик билан кириб бориш учун қўлланилади;
- Доимий — монополист компания томонидан, унинг ташқи иқтисодий фаолияти давлатнинг доимий қўллаб-қувватлаши шароитида, ташқи бозорларда фойдани максималлаштириш учун қўлланилади, бунда ички бозорда нисбатан юқори нарх сақлаб турилади.

Демпингдан, энг аввало, даврий пасайишлар ва ички талаб камайганда, иқтисодиётни таркибий қайта қуриш даврида фойдаланилади. Масалан, 30-йилларда шунга ўхшаш ҳодиса Шарқий Европа мамлакатларидан импорт

қилинувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида кузатилди, 70-йилларда АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан Японияга нисбатан демпингдан фойдаланиш айлови илгари сурилди.

Вақтинчалик ва айниқса, доимий демпингга қарши импортёр-мамлакатлар ГАТТ моддаларига асосланган ҳолда импортга қарши импорт божларини жорий этиш хуқуқига эга бўлганлиги сабабли кейинги пайтда яширин демпинг кенг тарқалмоқда. Бу экспортёр ва импортёрлар ўртасида импортёрлар томонидан ўз миллий бозорида товарларни экспортёр етказиб берган нархдан паст баҳоларда сотиш ҳақида ошкор бўлмаган келишувни назарда тутади. Яширин демпинг йирик ТМКлар томонидан фирма ичida қўлланиладиган бутловчи қисмларни трансферти амалиётида кенг тарқалган (мас. япон ТМКлари ичida).

Назорат саволлари

1. Республикамиз қайси халқаро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириб бормоқда?
2. Ташқи савдони эркинлаштириш деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиш истиқболларини характерлаб беринг?
4. Кейинги йилларда ташқи савдо соҳасида рўй бераётган ўзгаришларни кўрсатиб беринг.
5. Республикамизнинг экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожланиш моделини танлаши ташқи савдони ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини тавсифлаб беринг?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, инновацион Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики:

2-МАВЗУ. ХАЛҚАРО КАПИТАЛ МИГРАЦИЯСИ ВА ТРАНСМИЛЛИЙ КОМПАНИЯЛАР

Режа:

- 2.1. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида**
- 2.2. Капитал экспортининг асосий шакллари ва унинг ўзига хос томонлари**
- 2.3. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари**
- 2.4. Жаҳон хўжалигига трансмиллий корпорацияларнинг роли**

Таянч иборалар: капитал миграцияси, портфель инвестициялар, тўғри инвестициялар, ТМК, трансмиллашувнинг жаҳон иқтисодиёти ва мамлакатлар иқтисодиётига таъсири

2.1. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида

Капитални хорижга чиқариш, унинг давлатлар орасида фаол миграцияси замонавий жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим ажратиб турувчи томонига айланди.

Капитал олиб чиқиши жаҳон хўжалигининг чуқур ривожланиши даврида товар олиб чиқиши монополиясини синдириди. Товар олиб чиқишини тўлдирувчиси ва унинг воситачиси бўлиб, капитал олиб чиқиши халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида аниқловчи омилга айланниб бормоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (ИҲРТ) баҳолашига қараганда, 80-йиллардан бошлаб тўғридан-тўғри йўнатирилган инвестицияларнинг йиллик ўсиши тахминан 34-35% ни ташкил этиб, халқаро савдо ўсишидан қаридан 5 марта кўпроқдир.

Капитал олиб чиқиши маълум бир миллий давлат ўз айланмасидан бир қисм капитални олиб, уни бошқа бир давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнига ва айланмасига товар ёки пул формасида жойлаштиришида намоён бўлади. Дастлабки йилларда капитал олиб чиқиши жаҳон хўжалиги перефериясига капитални экспорт қиласиган кам сонли саноати ривожланган давлатларга хос бўлган холос эди. Жаҳон хўжалигининг ривожланиши эса бу жараён доирасини сезиларли равишда кенгайтирди, натижада капитал чиқариш ҳар қандай муваффақиятли, динамик ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётнинг функцияси бўлиб қолди. Ҳозирги кунда капитални илғор саноати ривожланган давлатлар ҳам, ўртача ривожланган давлатлар ҳам, ривожланаётган, айниқса “янги индустрисал” давлатлар ҳам чиқармоқдалар.

Капитал олиб чиқишининг асосий сабаби унинг маълум бир давлатларда “нисбатан” ортиқча бўлиб қолишлигидир. Ишбилармонлик фойдаси ёки фоиз олиш мақсадида капитал чет элга чиқарилади. Капитал экспорти ички инвестиция учун капитал етишмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. 90-

йилларда умумжахон бўйича ортиқча капитал 180-200 млрд. долларга тенг деб баҳоланган эди. XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг четга капитал чиқариш тинимсиз ўсиб борди. Капитал экспорти ҳозирги кунда ўсиш суръатлари бўйича товар экспортини ҳам, саноати ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражасини ҳам орқада қолдирмоқда. Капитал олиб чиқиш масштабининг кескин кенгайиши халқаро миграциянинг кучайишига олиб келмоқда.

Халқаро капитал миграцияси- капитал эгаси учун фойда келтирувчи, давлатлар орасидаги қарама-қарши ҳаракатdir. Ҳар бир давлат бир вақтнинг ўзида капиталнинг импортёри ва экспортёри бўлиб ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида катта фойда учун капитал олиб чиқишининг энг муҳим сабаблари қуидагилардан иборатdir:

- капитал олиб чиқилаётган давлатда унинг ортиқча тўпланганлиги;
- жаҳон хўжалигининг турли звеноларида капитал талаби ва таклифининг мос келмаслиги;
- маҳаллий бозорни монополизация қилиш имконияти мавжудлиги;
- капитал экспорт қилинадиган давлатда арzonроқ хом-ашё ва ишчи кучининг мавжудлиги;
- барқарор сиёсий ҳолат ва умуман қулай инвестицион муҳитнинг мавжудлиги.

Амалий хаётда инвестиция қилиш зарурияти ўзида инвестицион муҳитнинг барча қисмларини мужассамлаштирган сабаблар комплекси ва шунингдек айrim бозорларнинг нисбий устунлиги тамойиллари билан белгиланади. Капитал олиб чиқишига сабаб бўлувчи ва уни рағбатлантирувчи омиллар қуидагилардир:

1. Капитал олиб чиқиши фаоллаштирувчи, ҳаракатлантирувчи куч бўлиб миллий иқтисодиётларнинг ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви халқаро капитал ҳаракатига катта таъсир кўрсатади. Капитал экспортининг бош омили бўлиб, тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар ишлаб чиқаришни халқаро ишлаб чиқаришга айланиши ва шунингдек халқаро маҳсулот яратишидир. Халқаро маҳсулот-глобал халқаро бозорда сотиладиган маҳсулотдир. У унификация қилинган ва географик жойлашиши, миллий ёки бошқа ўзига хосликлардан қатъий назар сотилади (автомобиллар, самолётлар, радиоэлектроника, компьютерлар, асбоб-ускуналар ва х.к.лар).

2. Халқаро саноат кооперацияси, трансмиллий корпорацияларнинг шўъба корхоналарига қўйиладиган қўйилмалари.

3. Саноати ривожланган давлатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларини ушлаб туриш, саноатнинг илгор соҳаларини ривожлантириш, бандлик даражасини саклаш учун сезиларли ҳажмда капитал жалб қилишга йўналтирилган иқтисодий сиёсати.

4. Хорижий капитал жалб қилиш ёрдамида ўз иқтисодий ривожи учун сезиларли туртки бериш, “камбағаллик доирасидан” чиқиб кетишга ҳаракат қилаётган ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ўз-ўзини тутиши.

5. Экология омиллари сезиларли таъсир кўрсатади. Халқаро корпорациялар қаттиқлашаётган экологик нормалар туфайли ишлаб чиқаришни саноати ривожланган давлатлардан ривожланаётган мамлакатларга кўчириши.

6. Капитал оқимини йўналтирувчи ва тартибга солувчи халқаро молиявий ташкилотлар муҳим рол ўйнаши.

2.2. Капитал экспортининг асосий шакллари ва унинг ўзига хос томонлари

Жаҳон хўжалигига капитал олиб чиқиш асосан қуидаги шаклларда амалга оширилади:

- саноат, савдо ва бошқа корхоналарга тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар;
- портфель инвестициялар (хорижий облигациялар, акция, қимматбаҳо қоғозлар);
- ссуда капиталининг саноат ва савдо корпорациялари, банк ва бошқа молиявий ташкилотларига ўрта ва узок муддатли кредитлари ёки заёmlари;
- иқтисодий ёрдам- текинга ва имтиёзли кредитлар шаклида (фоизсиз, кам фоизли).

Жаҳон иқтисодиётида капитал қўчиши ва хорижий инвестициялар ўртасида аниқ фарқ белгиланган. Капитал қўчиши қуидагиларни ўз ичига олади: хорижий ҳамкорлар билан операциялар бўйича тўловлар, заёмлар бериш (5 йилдан ортиқ бўлмаган мудатда), факат капитал жойлаштириш мақсадида хорижий компанияларнинг акция, облигация ва қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш, қимматбаҳо қоғозлар портфелини диверсификация қилиш ва х.к.лар.

Хорижий инвестициялар бу капитал қабул қилувчи давлатда компания устидан назорат ўрнатиш ва уни бошқаришда иштирок этиш мақсадида капитал қўчиришdir. Тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар шаклида капитал олиб чиқиш бу капитал қабул қилувчи давлат худудида капитал экспортёри томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишини билдиради. Бу шунингдек, кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга рақобатчилик таъсиридир.

Тўғридан-тўғри инвестициялар халқаро корпорацияларнинг жаҳон хўжалигидаги хукмронлигининг асосини ташкил қиласи. Улар корпорацияларнинг хорижий корхоналарига тўлиқ эгалик қилиши ёки акционерлик капиталининг амалда эгалик қилишига имконият беради. Одатда, бу шундай инвестицияларки бунда хорижий инвестор компаниянинг акционерлик капиталининг 25% дан кам бўлмаган миқдорига эгалик қиласи. АҚШ, ГФР, Япониянинг статистика бошқармалари акционерлик капиталининг 10% и ва ундан кўпроғини ўзига олган инвестицияларни Тўғридан-тўғри инвестициялар деб ҳисоблайди. П.Х.Линдертнинг фикрича, “Тўғридан-тўғри инвестициялар ва портфель инвестициялари орасидаги фарқ авваламбор капитал қўйиладиган фирма устидан назорат қилиш муаммосига бориб тақалади”.

Портфель инвестициялари йирик корпорациялар, марказий ва хусусий банклар томонидан чиқариладиган облигация заёмларини молиялаштириш учун хорижий капитални жалб қилувчи муҳим манбадир. Хорижий портфель инвестицияларини жалб қилишда одатда йирик инвестицион банклар воситачилик қиласи. Портфель инвестияларнинг ҳаракатига кўп жиҳатдан алоҳида давлатларда облигациялар учун тўланадиган фоиз ставкаларидағи фарқ таъсир қиласи.

Жаҳон иқтисодиётида 50-йиллардан кейинги даврда капитал экспорти структурасида сезиларли ўзгаришлар рўй бериб жаҳон хўжалиги ривожланишининг ўзига хос томонларини намоён қилди. Улардан энг муҳими 70-80-йилларда ҳалқаро кредитларнинг ўсиши ва капиталнинг кредит-молия соҳасини пайдо бўлганлигидир. Иқтисодиётда ссуда капиталининг роли кескин ошди.

Ҳалқаро ссуда капитали бозори: а) пул бозори; б) капитал бозорига бўлинади. **Пул бозори** – бу асосан қисқа муддатли кредитлар (1 йилгача) бозоридир. Бундай кредитлар одатда айланма маблағлар етишмовчилигини қоплаш учун ишлатилади. **Капитал бозори** эса ўзида банк кредитлари ва узоқ муддатли кредитларни намоён қиласи. Улар асосан облигациялар чиқариш ва сотиб олишда намоён бўладилар.

Саноати ривожланган давлатлар томонидан текин ёки имтиёзли кредитлар шаклида кўрсатиладиган иқтисодий ёрдамни биз жаҳон давлатларига ёрдам бериш бўйича дунёда иккинчи ўринда (Япониядан кейин) турадиган АҚШ мисолида кўриб чиқишишимиз мумкин. Масалан, “Хорижий давлатларга ёрдам хақидаги” қонунга мувофиқ, АҚШ 1998 молиявий йилда ёрдам учун 13 млрд. доллардан ортиқ ассигнация қилган эди (унинг 76% иқтисодий ва 24% ҳарбий мақсадларга ажратилган). Бу даврда кредит олувчилар рўйхатида биринчи ўринда Истроил (3 млрд. долл.) турган бўлса, иккинчи ўринда Миср (2,1 млрд.долл.) турган. Кўрсатилган ушбу ёрдамнинг 65% ни текин ва 35% ни имтиёзли кўринишдаги кредитлар). Хорижий мамлакатларга иқтисодий ёрдамнинг кўрсатишдан мақсад АҚШ миллий хавсизлигини таъминлаш, давлатларга очиқ бозор иқтисодиёти тизимини ўрнатиш ва шунингдек демократияни ривожланишига ёрдам беришдир.

Жаҳон иқтисодида капитал олиб чиқиш асосан саноати ривожланган давлатлардан олиб чиқилади. Саноати ривожланган давлатлар ўртасида ҳам капиталнинг фаол миграцияси рўй бермоқда. Саноати ривожланган давлатлар доирасида рўй бераётган капитал миграциясини бир неча холатларида кўриб чиқишишимиз лозим:

“Учлик” давлатлар ўртасидаги капитал миграцияси (АҚШ - Ғарбий Европа-Япония) ўртасида.

Алоҳида саноати ривожланган давлатлар ўртасидаги капитал миграцияси.

Саноати ривожланган давлатларнинг бир хил соҳалари ўртасида рўй бераётган капитал миграцияси.

Капитал миграция ўз субъектлари нуқтаи назаридан макро ва микро даражалар билан фарқланади. Макродаражага- бу, капиталнинг давлатлараро

оқими бўлиб, статистикада у давлатларнинг тўлов балансида тасвиранади. Микродаража – бу, капиталнинг халқаро монополиялар ичидаги корпорациялар ички каналлари орқали рўй бераётган ҳаракатидир. Жаҳон таснифида энг йирик капитал “донорлари” бўлиб Япония (53%), Швейцария ва Тайвань ҳисобланаса, энг йирик “заёмчилар” эса – АҚШ (27%), Буюк Британия, Мексика ва Саудия Арабистони ҳисобланади.

Капитал олиб чиқишининг замонавий аломатлари орасида ишлаб чиқариш капитали экспортининг ўсиб бораётган аҳамиятини ажратиб кўрсатиш лозим. Ишбилармонлик фаолиятида портфель инвестициялар қатнашишдан тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларга ўтди. 50-йиллардан бошлаб тўғридан-тўғри йўналтирилган хорижий инвестицияларни қазиб чиқариш саноатидан қайта ишлаш саноатига, шунингдек хозирги кунда йиллик ҳажмининг 50%дан ортиғи тўғри келаётган хизмат соҳаларига йўналтирилиши рўй бермоқда. Тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестицияларнинг тенденциясида сезиларли ўзгаришлар рўй бера бошлади: 1990 йилда банк заёмлари суммаси 468 млрд. долл.ни ташкил этди, қимматли қофозлар бозорида эса инвестициялар 756 млрд. долларни ташкил этиб, 1993 йил охирида бу нисбат хусусий капитал тўпланган фонд бозори ҳисобига кескин ўзгариб, 2.3 трлн. долл. капитал бозорини ташкил этди.

90-йилларда капитал бозорларини байналминаллашуви жараёнининг асосий хусусияти намоён бўлди. Агар 70-80- йилларда байналминаллашув жараёни асосан ривожланган бозор иқтисодиётидаги давлатларни қамраб олган бўлса, 90-йилларда у ривожланаётган давлатларни ҳам биринчи навбатда Осиё-Тинч океани минтақаси ва шунингдек, Лотин Америкаси давлатларига ҳам тарқалди. Бу эса албатта ушбу давлатларнинг молиявий салоҳияти, валюта ахволининг мустаҳкамланиши ва уларнинг кредитга лаёқатлигини ўсиши, миллий молиявий бозорларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган эди.

Жаҳон иқтисодиёти ва ХИМда 80-90 йилларнинг муҳим томонларидан бири ривожланаётган давлатлар ўртасида ва айниқса “янги индустрисиал давлатлар” ўртасида капитал миграциясининг фаоллашувиdir. Капиталлар бозорида ҳамон нефть экспортёр - давлатлари ташкилоти (ОПЕК) фаолдир. Масалан, Қувайт хусусий секторининг хориждаги инвестициялари 1995-йилда 100 млрд. долл.ни ташкил этиб, ўз навбатида давлат қўйилмалари 30 млрд. долл.га етган. 90-йилларда тўғридан-тўғри йўналтираётган инвестицияларнинг ҳажмлари асосан ривожланаётган давлатларга тўғри келиб 1993-йилда 65 млрд. долл.ни, 1994 йилда 74 млрд. долл.ни ташкил этган. Бу 1991 йилга нисбатан икки баробар кўп демакдир. Инвестицияларнинг асосий қисми Осиё ва Лотин Америкасининг 10-15 та ривожланаётган давлатларида тўпланган. Хитой хорижий инвестицияларни жалб қилишда анча ютуқларга эришди. Бу кўрсаткич бўйича у АҚШдан кейинги иккинчи ўринни эгаллаб 1993 йилда 26 млрд. долл.ни (1991 йилга нисбатан 6 марта кўп) ташкил этди.

Хорижий капиталнинг аҳамиятини авволо биз Хитойнинг юқори иқтисодий суръатларда ўсиши билан таъминланганлигига ишончлигига ва шунингдек сиёсий барқарорлигига кўришимиз мумкин. Хитой ЯММнинг

ўсиши 10-13% га тенг. Худди шундай ўсишлиқ даражасини биз баъзи бир Осиё “аждархо”лари давлатларида ва шунингдек баъзи бир Лотин Америкасининг “Янги индустрисал давлатлари”да ҳам кўриш мумкин.

Айни бир пайтда камбағал давлатлар қаторига кирувчи баъзи бир ривожлангаётган мамлакатлар экспертларнинг фикрича саноати ривожланган давлатларнинг инвесторлари учун озроқ қизиқиши уйғотмоқдалар. Бундай давлатлар қаторига тобора камайиб бораётан тўғридан-тўғри йўналтирилган инвестициялар оқими тўғри келади. 90-йилларда кам ривожланган давлатлар қаторига хорижий инвестицияларнинг 5-6%ти тўғри келган эди холос.

Урушдан кейинги 50-йилларда капитал олиб чиқиш жараёнининг муҳим аломатларидан бири давлатнинг тартибга солувчи, назорат қилувчи, рағбатлантирувчи функциялар билан бу жараёнга фаол аралашувидир.

Саноати ривожланган давлатларнинг капитал миграциясига таъсири, миллий ва давлатларапо даражада капиталнинг экспорт ва импортини рағбатлантириш йўли билан амалга оширилади. Зәём, портфель инвестициялари шаклидаги капитал кўчишиши асосан давлат сиёсатининг ҳаракати йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш асосида олиб борилмоқда. Давлат тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга нисбатан иқтисодиётда миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳар қандай чекланишларни қўллаш ҳуқуқи сақлаб қолинган. Характерли томони шундаки капитални хорижга олиб чиқиш, хорижий капитални олиб киришдан кўра қўпроқ тартибга солинади. Давлат қўйидаги тартибга солиш чораларидан кенг фойдаланади:

1. Молиявий тартибга солиш усуллари. Ушбу усулларга тезлаштирилган амортизацияни, солиқ имтиёзларини, субсидия ва заёmlар беришни, кредитларни суғирталаш ва кафолатлашни киритиш мумкин.

2. Номолиявий усуллар. Ушбу усулларга ер майдонларини бериш, керакли инфраструктура билан таъминлаш, техник ёрдамларни кўрсатишни киритиш мумкин.

Хорижий капитал қўйилмаларни тартибга солишнинг муҳим амалий хужжати бўлиб Осиё-Тинч океани ҳамкорлик ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган “Кўнгилли кодекс”дир (1994 йил Жакарта). Мутахасисларнинг фикрича истиқболда Жаҳон савдо ташкилоти томонидан фойдаланиладиган ушбу “Кодекс” да қўйидаги инвестицион тамойиллар белгилаб берилган:

- донор давлатларга дискриминациясиз ёндашув;
- хорижий инвестициялар учун миллий режим;
- инвестицион рағбатлантиришлар соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва атроф-муҳит ҳимояси соҳаларидаги талабларнинг қучсизланишига йўл қўймаслиги керак;
- савдо ва капитал соҳалар чекловчи ва тартибга солувчи инвестицион талабларни минималлаштириш;
- етарли ва самарали компенсация тўлаш шарти билан ижтимоий жамият мақсадларига, миллий қонун ва халқаро ҳуқук тамойилларига мувофиқ дискриминациясиз инвестицияларни экспроприация қилишдан воз кечиш;
- рўйхатга олиш ва конвертация имкониятини таъминлаш;

- капитал олиб чиқишдан чеклашларни олиб ташлаш;
- хорижий инвесторни миллий инвесторлар билан тенг равища давлат қонунларига, маъмурий қоида ва ҳолатларига риоя қилиниши;
- инвестицион лойиҳани амалга ошириш муносабати билан хорижий персоналга келиш ва вақтингчалик туришга рухсат бериш;
- келишмовчиликларни консультациялар ва музоқаралар ёки хўжалик судлари орқали ҳал қилиш.

Иқтисодий амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, инвестицияларни жалб қилишда рағбатлантириш сиёсати бозор омилларига нисбатан камроқ таъсир кўрсатади. Иқтисодий эркинлик, бозор механизмларининг тўсиксиз ишлаши ташки инвестицияларни жалб қилишда муҳим критерий ҳисобланади. Америка иқтисодчилари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий эркинликнинг интеграл кўрсаткичи у ёки бу мамлакатда давлат хўжалик субъектларига нисбатан канчалик фаол аралашувининг 10 дан ортиқ турли кўринишдаги хусусий кўрсаткичларининг агрегиравия килинган ҳарактеристикаси ишлаб чиқилган бўлиб, улар қўйидаги соҳалардаги ҳолларда намоён бўлади:

- савдо сиёсати соҳасида;
- солик сиёсати соҳасида;
- монетар сиёсати соҳасида;
- банк тизимининг ишлаши соҳасида;
- хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида;
- мулк ҳуқуқи соҳасида;
- мамлакатда ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар соҳасининг умумий ҳажмида давлат истеъмолининг улуши;
- иқтисодий рағбатлантириш сиёсати соҳасида;
- давлатда мавжуд “қора бозор”нинг миқёси;
- нархнинг ташкил топиши ва иш ҳақини тартибга солиш соҳасида ва бошқалар.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича давлат 1 дан 5 баллгача олиши мумкин (давлатнинг иқтисодиётга энг кам ва энг кўп аралашувига мувофиқ). Тадқикотлар натижасига кўра 1995 йилда энг эркин (банк иши ва монетар сиёсатдан бошқа барча кўрсаткичлар бўйича бир бал олган) Гонконг иқтисодиёти тан олинди. Айни бир пайтда Хитой юқоридаги диаграммада охирги ўринни эгаллайди. Аммо бу Хитойга ҳар йили миллиардлаб хорижий инвестицияларни жалб қилишига ҳалақит бермайди.

2.3. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари

Ўз таркибига бош бошқарувчи марказ орқали ривожланишнинг умумий стратегиясини ишлаб чиқарувчи ва амалга оширувчи, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда хўжалик бирликларига эга бўлган хамда катта миқдорда хорижий активларга эга халқаро компания мутахассислар томонидан трансмиллий корпорация (ТМК) номини олган.

Жаҳон иқтисодиётининг ўзига хос «умуртқа поғонаси» бўлган замонавий ТМКларнинг характерли белгилари қуидагилар ҳисобланади:

- Ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат қўрсатиш фаолиятининг катта қисмини бош штаб-квартира жойлашган мамлакат иқтисодий макони чегарасидан ташқарига олиб чиқиш;
- Турли давлатларда шаҳобчалар, шуъба ва ассоциацияланган компанияларнинг катта тармогини шакллантириш;
- Иқтисодий фаолиятни самарали башоратлаш ва режалаштириш шароитида ташқи ва ички инвестицион оқимларни бошқариш;
- Капиталлар, ишчи кучи, ахборот кўчиши (трансферти)нинг фирма ичкарисидаги каналларининг кўплиги.

Ишлаб чиқариш қувватларини ва сервис марказларини жаҳоннинг турли ҳудудларига бўлиб-бўлиб жойлаштириш(диверсификациялаш), бундай корпорацияларга халқаро меҳнат тақсимоти шартлари ва ички миллий бозор хусусиятларидан келиб чиқувчи устунликлардан фойдаланиш ҳисобига катта даромад олиш имкониятини беради.

Миллий компанияни халқаро компанияга айланишига конкрет мисол сифатида «Электролюкс» гурухини келтириш мумкин. «Электролюкс» электр ускуналари ишлаб чиқиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи икки швед фирмасининг қўшилиш йўли билан 1912 йилда ташкил этилган. 50-йилларда бу компания аввал Швецияда сўнгра бошқа Скандинавия мамлакатларида хам етакчи мавқега эга бўлди. Тайёрланаётган маҳсулотлар номенклатурасини узлуксиз кенгайтириб борган холда компания Ғарбий Европада савдо ва хизмат қўрсатиш корхоналари тармогини яратишга киришди. 80-йилларда «Электролюкс» ўз тузилмасига АҚШ («Уайт Консолидейтид» электр ускуналари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда З-ўринда туради), Германия («АЕГ» - 1-ўрин), Италиянинг («Занусси» - 1-ўрин) каби бир неча йирик компанияларини қўшиб олди. Ҳозирги пайтда уни жаҳоннинг 75 мамлакатида бўлимлари мавжуд, бу ТМКнинг персонали 110 минг кишидан ортиқ, йиллик айланмаси 16 млрд. долл.дан ошади.

ТМКнинг намунавий тузилмасини бош компания (ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтган корпорациянинг бош штаб-квартираси) ва бошқа давлатларда жойлашган шаҳобчалар, шуъба ва ассоциациялашган компаниялар тизими. Кўпинча ТМК тузилмасига молия-кредит муассасалари (банклар, инвестиция фондлари ва сугурта компаниялари) хам киритилиш мумкин. Бундан ташқари йирик халқаро корпорациялар одатда ўзининг муҳофаза хизмати, кадрлар тренинги, транспорт ва бошқа хизматларига эга бўлишади.

Шаҳобчаларнинг шуъба корхоналардан фарқи шундаки, улар ўз баланси ва иқтисодий мустақилликка эга эмас. Ассоциациялашган компанияларга келсак, улар бош компания томонидан одатда шартнома муносабатлари тизими (пудрат, траст кабилар) орқали назорат қилинади.

ТМК кўринишлари танланган мезонга боғлик равища турлича синфланади. Энг кенг тарқалган алломат халқаро корпорациянинг бош тузилмаси низом фондидағи капитал улушкини белгиловчи миллий

мансублик белгиси ҳисобланади. Бу ҳолатда қуидагилар ажратиб қўрсатилади:

- мономиллий компаниялар (миллий компания, масалан — Швейцариядаги "Нестле" концерни);
- мултимиллий компаниялар (байналмилал компания, масалан — инглиз-голланд "Ройял Датч Шелл" корпорацияси);
- консорциумлар (узоқ муддатли капитал сифимли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бир неча корпорациялар активларининг бир қисмини вақтинчалик мақсадга йўналтирилган бирлаштириш).

Жаҳон иқтисодиёти қайд этилган гурӯхларнинг солиштирма оғирлиги доимо ўзгариб туради. 70-йилларда мономиллий ТМКлар кўпчиликни ташкил этган бўлса, 80-йилларга келиб консорциумлар пайдо бўлди. Сўнгги ўн йил ичида рақобат қўрашининг кучайиши ва глобал бозорлардаги инқизорзли вазиятлар туфайли миллий компаниялар бир-бири билан қўшилиб мултимиллий ТМКларга айланди.

Хўш, трансмиллий корпорацияларни пайдо бўлишига сабаб нима? ТМКлар пайдо бўлишининг асосий сабаби миллий-давлат чегараларидан чиқиб кетган ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши асосида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви йирик компаниялар томонидан хорижий мамлакатларда ўз бўлимларини ташкил этиб, миллий корпорацияларнинг ТМКга айланиши орқали экспансия характерига эга бўлади. Жаҳон иқтисодиётида капитал олиб чиқиш халқаро корпорацияларнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим омилларидан биридир.

Трансмиллий корпорациялар вужудга келишининг сабабларидан яна бири ҳаддан ташқари фойда олишга бўлган интилишидир. Ўз навбатида, кучли рақобат бу курашда ғалаба қозониш зарурияти, халқаро миқёсда ишлаб чиқариш ва капиталнинг концентрацияси ҳам ТМКларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Жаҳон хўжалигида рўй берадиган иқтисодий жараёнларнинг объектив натижасига кўра вужудга келган трансмиллий корпорациялар ўзига хос хусусиятга эга. Жаҳон иқтисодиётида ТМКлар халқаро меҳнат тақсимотининг фаол иштирокчиси бўлиб, унинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Трансмиллий корпорацияларда капиталининг ҳаракати, одатда, корпорация жойлашган давлатда бўлаётган жараёнлардан мустақил равишда содир бўлади.

2.4. Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорацияларнинг роли

БМТ экспертларининг фикрича трансмиллий корпорациялар (ТМК) "жаҳон мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишидаги асосий двигателлари" дан бири бўлиб ҳисобланади. 90-йилларнинг ўрталарига келиб жаҳон хўжалигида 40 мингдан ортиқ ТМКлар мавжуд бўлиб, улар ўз давлатларидан ташқарида фаолият қўрсатиб келаётган 250 мингга яқин шўъба корхоналарни ҳам назорат қилиб туришган. ТМКларнинг сони охирги йигирма йиллар

мобайнида 5 баробар кўпайган эди (1970 йилда 7 мингта бундай фирмалар рўйхатга олинган). Ҳозирги кунда жаҳон хўжалигида мавжуд бўлган 100 та энг йирик халқаро компанияларнинг 40% мулки (шу жумладан молиявий мулки ҳам) бошқа давлатлар худудига тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорацияларнинг асосий қисми АҚШ, ЕИ давлатлари ва Японияда жойлашгандир. ТМК жаҳон хўжалигида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 40% ни халқаро савдони эса 50 – 55%и устидан ўз назоратини ўрнатган. ТМКнинг корхоналарида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларнинг йиллик миқдори 1 трлн. АҚШ долларидан ошиқроқни ташкил этиб, уларда 73 млн.дан ортиқроқ киши ишлайди (яъни жаҳонда иш билан банд аҳолининг 1/10 қисмини ташкил этади).

БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича комиссияси (ЮНКТАД) томонидан ҳар йили компаниялар акцияларининг бозорда капиталлаштирилишини баҳолаш орқали ўтказиладиган рейтингда қуйидаги ўнта компания етакчилик қилишмоқда (1.-жадвалга қаранг).

1-жадвал.

Дунёнинг йирик компаниялари

Рейтингдаги мавқеи 2014й.	Компания	Бош офис қайд қилинган мамлакат
1	Vodafone	Буюк Британия
2	General Elektric	АҚШ
3	Exon Mobil	АҚШ
4	Vibendi	Франция
5	General Motors	АҚШ
6	Royal Datch/Shell Group	Нидерландия, Буюк Британия
7	British Petroleum	Буюк Британия
8	Toyota Motor	Япония
9	Telefonika	Испания
10	Fiat	Италия

Жадвалдан кўриниб турибдики, етакчи ўринларни Америка, Ғарбий Европа ва Япония ТМКлари эгаллаб туришибди. "Faynenshnl Тауме" энг ишончли ва эътиборли Европа ТМКлари қаторига «ABB» Швеция-Швейцария машинасозлик концернини, Буюк Британиянинг «British Eугueuz» компаниясини, Швейцариянинг «Nestle» гурухини, «BMW» немис автомобил концернини ва «Simens» электротехника корпорациясини киритади

Ҳозирги кунда трансмиллий корпорацияларнинг ҳуқуқий филиаллари ва шўъба корхоналари жаҳоннинг турли давлатларида фаолият юритиб келмоқда. Бу компаниялар нисбатан мустақил бўлиб, ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотиш, илмий тадқиқот ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш каби ишларни бажаради. Умуман улар ягона ишлаб чиқариш-сотиш мажмуини ташкил этиб, бу мажмууда ҳиссадорлик капиталга фақат таъсисчи давлат эгалик қиласи.

Шу билан бирга ТМКларнинг филиал ва шўъба корхоналари

аралаш корхоналар кўринишида ҳам бўлиши ва уларда миллий капитал устунлик қилиши ҳам мумкин.

Жаҳон хўжалигида трансмиллий ва қўпмиллий корпорациялар қаторига халқаро компаниялар ичида ажralиб турувчи глобал корпорацияларни (ГК) ҳам киритиш мумкин. Ушбу компаниялар XX асрнинг 80-йилларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда кучайиб бормоқда. Глобал корпорациялар замонавий жаҳон молия капиталининг бутун қудратини намоён қилади. Жаҳон иқтисодиётида глобализация жараёнлари ҳозирги кунда кўпроқ химия, электротехника ва электрон соҳаларда нефть ва автомобиль соҳаларида ахборот, банк ва бошқа бир неча соҳаларда рўй бермоқда.

Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар йирик инвестиция ва юқори малакали мутахасисларни талаб қилувчи юқори технологияли, илмталаб соҳаларга кириб боради. Ушбу соҳаларни трансмиллий корпорациялар томонидан монополия қилиш тенденцияси рўй бермоқда. Ҳозирги кунда 500 дан ортиқ энг кучли трансмиллий корпорациялардан 90 га яқини хорижий мамлакатлардаги инвестицияларнинг 70-75% и устидан ўз назоратини ўрнатган бўлиб, бу 500 дан ортиқ гигант ТМКлар ҳиссасига жаҳон бозорларига чиқарилаётган электроника ва химия саноатининг 80-82% и, фармацевтиканинг 93-95%, машинасозликнинг 76-80% саноат маҳсулотлари тўғри келмоқда.

Жаҳон иқтисодиётида кучли ишлаб чиқариш базасига эга бўлган трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқаришни, товар бозорларини самарали режалаштиришни таъминловчи ишлаб чиқариш-савдо сиёсатини юргизадилар. Режалаштириш бош компания доирасида амалга оширилади ва шўъба корхоналарига тарқатилади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро корпорацияларни вужудга келиши ва ривожланишига мисол қилиб, ўз қўлида жаҳон кундалиқ электр жиҳозлари ва саноат ускуналари бозорининг 25% ини ушлаб турган “Электролюкс” ТМКни кўрсатиш мумкин. 1912 йилда икки швед компанияларининг бирлашиши натижасида вужудга келган “Электролюкс” 20-йиллардаёқ Австралия ва Янги Зеландия бозорига чиқиб, у ерда ишлаб чиқаришини ташкил қилган эди. Охирги ўн йилликларда “Электролюкс” АҚШда учинчи ўринда турувчи, “Вестингауз”, “Гибсон” ва бошқа маркалар остида кундалиқ техника ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи “Уайт Консолидейтед” компаниясини, Италия ва бутун жанубий Европада энг йирик электр товарлари ишлаб чиқарувчи “Занусси” фирмаси ва шунингдек ГФРда асосий электр товарлари ишлаб чиқарувчи “АЭГ” фирмасини акцияларини сотиб олган эди. Хуллас, бу уч фирмани кушиб олганидан кейин Шведларнинг “Электролюкс” компанияси жаҳоннинг 75 мамлакатида кундалиқ электротехника буюмларини ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш бўйича ривожланган тизимга эга бўлган лидер компанияга айланди.

90-йилларнинг ўрталарида ушбу трансмиллий корпорациянинг корхоналарида 110 мингдан ортиқ киши ишлаб, унинг йиллик айланмаси ўртача 16 млрд. АҚШ долларни ташкил этган эди.

Жаҳон иқтисодиётида ўз экспансиясини кенгайтира бориб, трансмиллий корпорациялар жаҳон бозорини ўзлаштиришнинг турли шакларидан фойдаланадилар. Бу шакллар кўп жиҳатдан шартномага асосланади ва ҳиссадорлик капиталида бошқа фирмаларнинг қатнашишига боғлиқ бўлмайди. ТМК иқтисодиётининг бундай шаклларига кўпинча қўйидагилар киритилади:

- лицензия бериш;
- франчайзинг;
- бошқарув шартномалари;
- техник ва маркетинг хизматларни кўрсатиш;
- корхоналарни “калит остида” топшириш;
- вақт бўйича чекланган қўшма корхоналар тузиш ҳақидаги шартномалар ва алоҳида операцияларни амалга ошириш бўйича келишувлар ва бошқалар.

Лицензион келишув юридик шартнома бўлиб, унга кўра лицензиар лицензиантга бир қанча муддатга маълум тўлов эвазига маълум ҳуқуқлар беради. Лицензия бериш трансмиллий корпорациянинг ички фирма шартномалари бўйича ҳам, технология беришнинг ташқи каналлари бўйича ҳам амалга оширилади.

Франчайзинг – узоқ муддатга мўлжалланган лицензион келишувдир. Бунда франчайзер клиент-фирмага маълум ҳуқуқлар беради. Бу ҳуқуқлар ўз ичига маълум тўлов эвазига савдо маркаси ёки фирма номидан фойдаланиш, шунингдек техник ёрдам кўрсатиш, ишчи қучи малакасини ошириш, савдо ва бошқариш бўйича хизмат кўрсатиш соҳаларини олади.

80-йиллардан сўнг жаҳон иқтисодиётида охиридан бошқарув ва маркетинг хизматларини кўрсатиш каби трансмиллий корпорациялар экспансиясини шакли кенг тарқалди. Бошқарув хизматларини кўрсатиш бўйича шартномага кўра, корхонани оператив назорат қилиш маълум тўловлар эвазига бошқа корхонага берилади. Техник хизмат кўрсатиш ҳақидаги шартномага кўра трансмиллий корпорациялар ушбу фирма фаолиятининг қандайдир маҳсус томонига боғлиқ бўлган техник хизматларни амалга оширадилар. Кўпинча бундай шартномалар машина ва ускуналарни ремонт қилиш, “ноу-хау” дан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар, аварияларни тугатиш ва сифатни назорат қилиш билан боғлиқ бўлади.

Жаҳон иқтисодиётида заводларни “калит остида” топшириш ҳақидаги шартномалар кенг тарқалди. Бунда трансмиллий корпорациялар маълум объектни режалаштириб кўриш учун зарур бўлган барча (асосий ишни) фаолиятни амалга ошириш жавобгарлигини бўйнига оладилар.

Трансмиллий корпорациялар томонидан халқаро бозорларни эгаллашнинг энг муҳим шакларидан бири хорижда маҳсус инвестицион компаниялар ташкил қилишdir. Бу компанияларнинг вазифаси ТМКнинг шўъба ва ҳамкорликдаги корхоналарининг маҳсулотларини минтақавий бозорларга чиқаришни рафбатлантириш учун уларни инвестициялашдир. Бундай усуслдан ҳозирги кунда алкоголсиз ичимликларни сотиш бўйича энг йирик халқаро компаниялар “Пепси-кола” ва “Кока-кола” Африкада фойдаланишмоқда.

Маълумки, трансмиллий корпорациялар замонавий жаҳон хўжалигининг муҳим иштироқчиларига айланиб бормоқда. Саноати ривожланган давлатлар учун айнан ТМКларининг хориждаги фаолияти уларнинг ташқи иқтисодий алоқаларинг характерини белгилаб беради. Бу давлатлар экспортида миллий компанияларнинг узларининг хориждаги филиалларига товар етказиб беришлари ва хизмат кўрсатишларининг улуши каттадир. 80-йилларнинг иккинчи ярмида бундай фирма ичида савдонинг улушкига АҚШ экспортининг 14-20% и, Япония экспортининг 23-29% и ва ГФР экспортининг 24-28% и тўғри келган эди. ТМК жаҳондаги хусусий ишлаб чиқариш капиталининг 1/3 қисми устидан, хориждаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг эса 90% ини назорат қиладилар.

Трансмиллий корпорацияларнинг соҳавий структураси ҳам турли тумандир. Халқаро корпорацияларнинг 60% и ишлаб чиқариш соҳасида, 37% и хизмат кўрсатиш соҳасида 3% и қазиб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида банддир. Американинг “Форчун” журнали маълумотларига қараганда жаҳоннинг энг йирик 500 дан ортиқ корпорацияси ичida 4та мажмуа - электроника, нефтни қайта ишлаш, химия ва автомобилсозлик саноат тармоқлар асосий рол ўйнайди. Улар жаҳон иқтисодиётида ТМКларнинг олиб бораётган ташқи савдо фаолиятининг 80%ти ана шу тармоқларга тўғри келади.

Трансмиллий корпорацияларнинг жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимидағи фаолиятининг яхши томонларини айтганда, уларнинг фаолият кўрсатаётган давлатлар иқтисодиётига салбий таъсирини ҳам айтиб ўтиш лозим бўлиб, улар қуидагилардан иборатдир:

- ТМК фаолият кўрсатадиган давлатларнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишга халақит бериши;
- давлат қонунларини бузиши;
- монопол нархлар ўрнатиши, ривожланаётган давлатларнинг хуқуқини чекловчи шартларга мажбур этиши ва бошқалар.

Хуллас, жаҳон иқтисодиётида ТМКлар хўжаликлараро алоқаларнинг ривожига доимо эътибор бериб, ўрганиш ва етарли даражада халқаро назорат талаб қилувчи мураккаб ва доимий равишда ривожланиб бораётган феномендир.

Назорат учун саволлар:

1. Капитал миграциясининг асосий сабабларини тавсифлаб беринг.
2. Капитал миграциясига таъсир кўрсатувчи омилларни кўрсатинг.
3. Халқаро капитал бозорларида рўй бераётган ўзгаришларни характерлаб беринг.
4. Трансмиллий корпорацияларни тавсифлаб беринг.
5. ТМКларни жаҳон бозорларига кириб бориш усулларини очиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, инновацион Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.
10. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
11. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
12. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)
www.wikipedia.org/

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Халқаро савдонинг ривожланиш назариялари ва моделлари

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Халқаро савдо концепцияси
2. Халқаро савдонинг классик назариялари
- 3.Халқаро савдода умумий мувозанат
- 4.Халқаро савдонинг янги назариялари

Калит сўзлар: ташқи савдо, халқаро савдо, экспорт, импорт, реэкспорт, реимпорт, мутлоқ устунлик, нисбий устунлик, ташқи савдо айланмаси, ГАТТ, ЖСТ.


❖ Муҳокама учун саволлар

1. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдонинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, афзалликлари ва салбий жиҳатлари (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).


Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. Халқаро савдо концепциясининг мазмун-моҳияти (график ташкил этувчи кластер усули орқали ёритиб беринг).

3. «Каскад» техникаси ёрдамида макмлакатларнинг нисбий устунликларини таҳлил қилинг



4. Нега мамлакатларнинг рақобатбардошлиги нисбий устунликка боғлиқ? («Балиқ скелети» техникаси ёрдамида ёритиб беринг)



Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

2-амалий машғулот: **Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш йўллари**

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Халқаро савдода давлатнинг роли
2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуслари
3. Тариф сиёсатининг асосий қўринишлари

1. Халқаро савдода давлатнинг роли


Дарс шакли: Дебат усули. Муҳокама этиладиган масалалар ва кейс - стади.

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	<ul style="list-style-type: none">✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);✓ ахборотни умумлаштириш;✓ ахборот таҳлили;✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширигни белгилаш	<ul style="list-style-type: none">✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш;✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;

	<ul style="list-style-type: none"> ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва групда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва групда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

2. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг тарифли усуллари (“Балиқ скелети” техникаси орқали ёритиб беринг).



3. Импорт тарифларнинг мамлакат иқтисодиётига салбий ва ижобий жиҳатларини келтириш (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

4. Божхона тарифлари мамлакатнинг фаровонлигига қандай таъсир кўрсатади? (SWOT-таҳлил жадвали ёритиб беринг)


3-амалий машғулот. Халқаро ишчи кучи миграцияси Мухокама этиладиган масалалар:

1. Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари
2. Мехнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари
3. Халқаро ишчи кучи миграциясининг миллий иқтисодиётга таъсири
4. Ишчи кучининг халқаро миграциясининг экспортёр-импортёр мамлакатларга иқтисодий таъсири
5. «Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» муаммосининг моҳияти

Калит сўзлар: Ишчи кучи миграцияси, ишсизлар, ишга лаёқатли шахслар, ишчи кучини экспорт-импорт қилувчи мамлакатлар, “ақлли кишилар”нинг кетиб қолиш муаммоси.

❖ Муҳокама учун саволлар

1. Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари.
2. Халқаро ишчи кучи миграциясининг миллий иқтисодиётга таъсири қандай? (“Балиқ скелети” техникаси орқали ёритиб беринг).



3. «Ақлли кишиларнинг кетиб қолиш» муаммосининг моҳияти (график ташкил этувчи кластер усули орқали ёритиб беринг).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

4-амалий машғулот:

Жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий худудларнинг тутган ўрни

Халқаро капитал миграцияси ва трансмиллий компаниялар

Муҳокама этиладиган масалалар:

1. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида

2. Капитал экспортининг асосий шакллари ва унинг ўзига хос томонлари

3. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари

6. Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорацияларнинг роли

Калит сўзлар: капитал миграцияси, портфель инвестициялар, тўғри инвестициялар, ТМК, трансмиллашувнинг жаҳон иқтисодиёти ва мамлакатлар иқтисодиётига таъсири

Дарс шакли: Дебат усули.

❖ **Муҳокама учун саволлар**

1. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида: унинг афзалликлари ва заиф томонларини белгиланг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. ФСМУ технологияси ёрдамида “Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорацияларнинг роли ва аҳамияти нимада?”(саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар асосида ёчиш).

Йўналтирувчи услубий тавсиялар: ресурслардан самарали фойдаланиш, халқаро савдо, экспорт, импорт ва ҳ.к.

Савол	“Жаҳон хўжалигида трансмиллий корпорацияларнинг роли ва аҳамияти”
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумлаштиринг	

Фойдаланилган адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.

2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.

3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.

4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
7. А.А.Исаджанов. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Т.: ЖИДУ, 2008, 36-57 б.
8. Глобализация мирового хозяйства. Учебное пособие /под. ред. М.Н.Осьмовой М.Н., А.В.Бойченко. М.: ИНФРА-М, 2016. 1-23 с.
9. Фаминский И.П. Глобализация – новое качество мировой экономики: учеб. пособие. - М.: Магистр, 2009. - 397 с.

5-амалий машғулот.

Халқаро валюта-молия ва кредит муносабатлар

Мұхокама этиладиган масалалар:

1. Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва таркиби
2. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари
3. Халқаро резерв валюта бирликлари
4. Европа валюта тизими
5. Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари

Калит сўзлар: валюта курси, валюта паритети, олтин стандарт тизими, олтин-девиз стандарти тизими, олтин-валюта стандарти тизими, Ямайка тизими, СДР, ссуда бозори, евробозорлар, евродоллар.


Дарс шакли: Дебат усули.

Мұхокама учун саволлар

1. Европа валюта тизимининг афзалликлари ва заиф томонларини белгиланг (график ташкил этувчи – Т-схемадан фойдаланган ҳолда).

Кучли томонлари	Заиф томонлари

2. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари («Каскад» техникаси орқали ёритиб беринг).



3. Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари
4. «Муаммоли вазият»

<i>«Муаммоли вазият» тури</i>	<i>«Муаммоли вазият» сабаблари</i>	<i>Вазиятдан чиқиб кетиші ҳаракатлари</i>
“Халқаро валюта ва молия-кредит бозорларини ривожлантириш истиқболлари қандай?”		

Фойдаланилған адабиётлар

1. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жағон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
2. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
3. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
4. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
5. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.
6. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев..- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.

V. БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

“Халқаро иқтисодий муносабатлар” модулидан битирув ишлари учун қуидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида халқаро савдо. Халқаро савдо концепцияси
2. Халқаро савдонинг классик назариялари
3. Халқаро савдода умумий мувозанат
4. Халқаро савдонинг янги назариялари
5. Халқаро савдода давлатнинг роли
6. Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишининг тарифли усуллари
7. Тариф сиёсатининг асосий кўринишлари
8. Тарифли бошқарувнинг афзаллик ва камчиликлари
9. Ташқи савдони тартибга солишининг нотариф усуллари
10. Жаҳон ишчи кучи бозорининг моҳияти ва пайдо бўлиш сабаблари
11. Меҳнат миграциясининг асосий йўналишлари ва марказлари
12. Халқаро ишчи кучи миграциясининг миллий иқтисодиётга таъсири
13. Ишчи кучининг халқаро миграциясининг экспортёр-импортёр мамлакатларга иқтисодий таъсири
14. «Ақлли кишиларнинг кетиб қолиши» муаммосининг моҳияти
15. Капитал экспорти - халқаро иқтисодий муносабатларнинг илғор шакли сифатида
16. Капитал экспортининг асосий шакллари ва унинг ўзига хос томонлари
17. Халқаро корпорацияларнинг моҳияти, тузилмаси ва кўринишлари
18. Жаҳон хўжалигига трансмиллий корпорацияларнинг роли
19. Халқаро валюта тизимининг моҳияти ва таркиби
20. Халқаро валюта тизимининг ривожланиш босқичлари
21. Халқаро резерв валюта бирликлари
22. Европа валюта тизими
23. Халқаро валюта ва молия-кредит бозорлари

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

Пўлат киритишга божлар қўйилди

АҚШда пўлатни мамлакатга киритишнинг янги тарифларини ўзида мужассамлаштирган қонун кучга кирди. Янги ставкалар 30% ни ташкил қилиб, 3 йил муддатгача амал қиласди. Пўлатни импорт қилиш шарт-шароитларини ўзгарганлиги ҳақида 2002 йил март ойининг бошида эълон қилинган эди. Президент Буш бу қарор миллий металлургларга киритиладиган пўлатга тарифларнинг пастлиги сабабли юзага келган ва узоққа чузилган кризисдан чиқиб олишга ёрдам беради, деган фикрда. Бу албатта бошқа пўлат қуювчилар норозилигини келтириб чиқарди.

Евроиттифоқ биринчилардан бўлиб ЖСТга расмий равища ўз шикоятини билдириди. Евроиттифоқ пўлат қуювчилар вакилларининг фикрича Янги тарифлар киритилгани оқибатида ушбу соҳа хар йили 2 млрд. доллар фойдадан воз кечишга мажбур бўлади. Евроиттифоқ хам ўз пўлат қуювчиларини химоялаш мақсадида АҚШга қарши санкциялар қўллашга ҳозирланмокда. Бундай фикрлар жаҳоннинг бошқа давлатлари томонидан хам билдириб ўтилди. Янги тарифлар киритиши Россия Федерацияси, Хитой Бразилия, Япония, Жанубий Корея, Норвегия, Австралия ва Янги Зелландия каби давлатлар экспорти учун заарлидир. Аммо Жанубий Африка Республикаси каби ривожланаётган давлатлар АҚШнинг “қора рўйхат”ига тушмаган. Шунингдек янги тарифлар Канада, Мексика, Исландия ва Иордания каби АҚШ билан эркин савдо қилиш тўғрисидаги шартнома тузилган давлатларга қўлланилмайди.

Бундан ташқари тарифларининг тасдиқланиши АҚШнинг пўлат маҳсулотларини ишлатувчи компаниялар норозилигига хам сабаб бўлди. Уларнинг фикрига кўра, бунинг оқибатида пўлатнинг нархи ошади ва соҳадаги ишчилар сони қисқаради. Джордж Буш янги тарифлар киритилаётганида бундай натижা бўлишини кутган эди. Аммо сиёсий мантиқ ва муаммони кескин чоралар кўриш билан бартараф этиш устун келди. Пўлат қувиш компаниялари шу йил Конгрессда бўладиган сайловларда хал қилувчи роль ўйнашлари мумкин. Бундан ташқари улар 2004 йилги президент сайловларига хам таъсир кўсатишлари мумкин. АҚШнинг янги тарифлар киритиши масаласи ЖСТ да бир неча ой ва хатто йиллаб давом этиши мумкин. Бу масала АҚШнинг харакатига қарши савдо шериклари амалга оширадиган харакатлардан кейин янада актуаллашиши турган гап. Иқтисодий хамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (**OECD**) фикрича, ишлаб чиқарувчи компаниялар ўз бизнесининг даромадлилигини саклаш мақсадида ўз қувватини 100 млн. тоннагача камайтириши лозим.

Топшириқлар

1. Юкоридаги холда ташқи савдо сиёсатини бошқаришнинг кайси усули қўлланмокда?
2. АҚШга пўлат импортини чеклашда кайси инструментлардан фойдаланиш таклиф қилинмокда.

3. Импорт чекланганда кимларга заар ва кимлар бундан ютади?
4. Юкоридаги холда иқтисодий интеграциянинг ролини тушунтириб беринг.
5. Нега Европа мамлакатлари ЖСТга мурожаат этмоқдалар?

АҚШ билан савдо урушида ЕИнинг энг катта ғалабаси.

ЕИ мамлакатлари замонавий “савдо урушлари” тарихида ўзларининг энг катта муваффақиятини нишонламоқдалар: Европа мамлакатлари “банан” ва “гўшт” урушлари учун реванш олишга муваффақ бўлишди. Ўтган хафта охирида жаҳон савдо ташкилоти АҚШ ва ЕИ орасидаги солиқ имтиёzlари билан боғлик муаммони хал қилиш учун вердикт чиқарди, бунда ЕИ мамлакатлари АҚШга қарши 4 млрд. долл. савдо санкциясини қўллаши назарда тутилган. Солиқ имтиёzlари борасидаги келишмовчиликлар ЕИ ЖСТга 2000 йил нояброда АҚШ маҳсулотларига нисбатан 4,043 млрд. долл. хажмида жазо чоралари қўллаши ҳақида арз қилганида бошланган эди. Евроапаликларнинг фикрига кўра АҚШ ўз экспортини чет эл савдоларини амалга оширувчи корпорацияларини қўллаб қувватлаш орқали субсидиялар берди. 2001 йил июнь ойида ЖСТ АҚШнинг бундай қарори ўрнатилган тартиб қоидаларга тўғри келмаслиги ҳақида огохлантириди. Аммо АҚШ конгресси бу қарорни бажарилишини ноқонуний деб топмади. Бунда конгресс олдида мураккаб дилеммани хал қилиш кераклиги ҳақидаги муаммо кундаланг туради: ЖСТнинг қарорига бўйсуниш ёки ЖСТнинг вердиктига нисбатан хеч қандай таъсир билдирамаслик. Охирги холда АҚШга ЕИ томонидан қарши жавоб сифатида 4 млрд. долл. миқдорида санкция қўлланилиши мумкин. Вахоланки, на АҚШ ва на ЕИ келишмовчиликни жиддий тус олишидан манфаатдор.

Бу жараёнда ЕИ биринчи бўлиб муаммони ижобий хал қилиш учун дастлабки қадамни ташлади. ЕИнинг савдо ишлари бўйича комиссари Паскаль Лами **Walt Street Journal** газетасига берган интервьюсида санкция беришнинг охирги санасини аниқ ўрнатмаслигини таъкидлаб ўтди. Унинг фикрига кўра АҚШ конгресси учун қонунни рад этишга камида бир йил муддат керак. ЕИ раҳбарияти икки ой давомида жавоб чоралари кўрилиши мумкин бўлган АҚШ маҳсулотлари рўйхатини тузиб чиқишини билдириб ўтди. Хусусан баъзи АҚШ маҳсулотларига божхона божлари 100%ни ташкил қилиши мумкин. Тузиладиган рўйхатга дон маҳсулотлари, пўлат, текстиль саноати маҳсулотлари, алюминий, ядро реакторлари ва самолётлар киритилиши мумкин. Ноябрь ойида тузилган рўйхатни ЕИ нинг 15 та мамлакатига қўриб чиқиш учун тақдим қилинади. Бу АҚШга қўлланилиши мумкин бўлган санкциянинг биринчи босқичи бўлади. Агар АҚШ томони солиқ имтиёзи тўғрисидаги қонунни қайта қўриб чикмаса, иккинчи босқичда рўйхат яна бир канча товарга тўлдирилади. Кузатувчилар фикрига кўра солиқ имтиёзи тўғрисидаги ғалаба европаликларни рухлангантирган холда Вашингтонга қарши “пўлат урушида” янги қаҳрамонликлар сари ундаши турган гап. Эслатиб ўтамиз, 20 марта АҚШ импорт қилинадиган пўлат учун 30 % лик божларни

қўйган эди, аммо ЕИ қарши санкциялар қўллашини таъкидлаганда, Вашингтон божлар қўлланилиши кўзда тутилган металлургия махсулотлари рўйхатидан 178 тасини чиқариб ташлашини эълон қилди. Аммо ЕИ давлатлари АҚШдан пўлат импорт қилиш учун божларни бутунлай бекор қилишини талаб қилмокда.

Топшириклар

1. Бу ерда қандай савдо сиёсати тўғрисида гап кетмокда?
2. Томонлар қайси инструментлардан фойдаланмокдалар?
3. Савдо урушидан кимга зарар ва кимга манфаат бор?
4. Халқаро савдо муносабатларининг ўрни қандай?

VII. ГЛОССАРИЙ

Глобал муаммолар — оламшумул аҳамиятга эга бўлган ва ўз ечимини топишида жаҳондаги барча мамлакатларнинг биргаликдаги ҳаракатларини талаб этувчи цивилизациямизнинг энг долзарб масалалари.

Евро - универсал европа ҳисоб-китоб-тўлов бирлиги бўлиб, ЕИга аъзо мамлакатлар худудида ЭКЮ ўрнига жорий этилган.

Европа валюта тизими (ЕВТ) - ЕИ аъзоларининг худудий валюта гурухи.

Европа Иттифоки (ЕИ) - Европанинг 25та давлатини бирлаштирувчи иқтисодий ва сиёсий гурӯҳ.

Эркин иқтисодий худудлар - мамлакатнинг шундай худудики, бу ерга олиб кирилган товарлар миллий божхона юрисдикциясидан ташкарида ҳисобланади, бинобарин божхона назорати ва соликка тортишдан озод этилади, яъни - бу миллий иқтисодиётнинг бир кисмини ташкил этиб, бу ерда мамлакатнинг бошка худудларида қўлланилмайдиган ўзига хос имтиёзлар ва рагбатлантиришлар тизимидан фойдаланилади.

Эркин савдо худудлари (ЕСХ) — преференциал худуд ҳисобланиб, унинг доирасида божхона ва миқдорий чеклашлардан холи савдо тартибига риоя қилинади.

Жаҳон баҳоси - талаб ва таклиф эгри чизиқлари таъсирини ҳисобга олган ҳолда миллий нарх кўрсаткичлари таъсирида халқаро савдо марказларида хосил бўлади.

Жаҳон бозори — моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишидаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол боскичларни ўз ичига олувчи ХИМ субъектлари (миллий ва худудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг ўзаро иқтисодий таъсиралиш глобал муҳитидир.

Жаҳон ишчи кучи бозори (ЖИКБ) — миллий хўжалик тизимлари ва жаҳон иқтисодиёти доирасида ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси, табиати ва жойлашувига сезиларли таъсир этувчи иқтисодий фаол аҳолининг мамлакатлар ва худудлар ўртасида жами миграцион айланмаси.

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС) — БМТнинг асосий бошқарув органларидан бири бўлиб, унинг ХИМ соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

Иқтисодий интеграция — худудий миқёсда сифат жиҳатдан янги иқтисодий муҳитни яратиш йўли орқали миллий хўжалик комплексларини ўзаро яқинлаш ва бир-бирига кириб бориши жараёни.

Иқтисодий иттифок — иқтисодий интеграциянинг олий кўриниши, у умумий ҳуқуқий меъёрлар, солиқ базасини соддалаштирилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ягона стандартларни жорий этиш, ягона валютага ўтиш кабилар билан тавсифланади.

Иммиграцион квота — хорижий фукароларнинг кириб келишини давлат томонидан миқдорий чеклаш.

Инвестиция муҳит — мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг самарали айланиши зарур бўлган шарт-шароитлар комплекси.

Картель - ташқи савдо ассоциацияси (унинг аъзолари алоҳида товар гурухлари бўйича ишлаб чиқариш ва нарх сиёсатини мувофиқлаштириб олишади).

Ноу-хау - муаллифлик гувоҳномаси (патент) билан ҳимояланмаган ишлаб чиқариш тажрибаси ва маҳорат сирлари.

Озиқ-овқат хавфсизлиги - миллий ва глобал эҳтиёжларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти.

Оффшор худудлар - миллий иқтисодий маконнинг бир қисми бўлиб, бу ерда хорижий ҳуқуқий ва жисмоний шахслар тижорий операцияларни чет эл валютасида амалга оширашади.

Портфель инвестициялар — хўжалик обьектини эксплуатация қилиш туфайли даромад олиш ҳуқуқини кафолатловчи капитал қўйилмалари.

Протекционизм хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг бевосита ва билвосита усуслар орқали фаол аралашувини назарда тутувчи иқтисодий сиёsat.

Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ Анжумани (ЮНКТАД) — БМТ тизими доирасидаги маҳсус муассаса.

Савдода энг қулай шароит яратиш режими — мамлакатлар ўртасида келишилган холда ўрнатилган савдо операцияларининг имтиёзли тартиби.

Саноат тараққиёти бўйича БМТ Анжумани (ЮНИДО) — БМТ тизими доирасидаги маҳсус муассаса.

Трансмиллий корпорациялар (ТМК) - чет эл активларига эга бўлган йирик компанияни иқтисодий ташкиллаштириш кўриниши.

Тўғри инвестициялар — фойда олиш билан биргаликда капитал қўйилаётган обьект устидан назоратни таъминлаш ҳуқуқини берувчи капитал қўйилмалари.

Жаҳон банки - ўзаро бир-бири билан боғлиқ бешта институтдан таркиб топган кўп томонлама кредит ташкилоти.

Умумий бозор — ишлаб чиқариш омилларини миллий чегаралар орқали эркин кўчиб ўтиши таъминланадиган иқтисодий интеграция кўриниши.

Жаҳон савдо ташкилоти — халқаро савдони институционал ва ҳуқуқий асосини ташкил этувчи мустақил давлатлараро ташкилот.

Франчайзинг — бир компаниянинг бошқа йирикроқ ёки бош компаниянинг савдо маркаси, товар белгиси ва бошқа атрибуларидан фойдаланиш.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) — йирик ҳукуматлараро валюта-молия ташкилот бўлиб, БМТнинг маҳсуслаштирилган муассасаси сифатида тартиба солиш, маслаҳат бериш ва молия-кредит соҳасидаги вазифаларни бажаради.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) — маълум давр (одатда бир йил) давомида бир мамлакат худудида яратилган жами қиймат.

Янги индустрιал мамлакатлар (ЯИМ) — иқтисодий жихатдан энг тез ривожланаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатлар гуру

Автоматлаштирилган ахборот технологияси - маълумотларни узатиш, тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш учун ҳисоблаш техникаси ва алоқа тизимлари усуллари ҳамда воситалари қўлланиладиган ахборот технологияси.

Айланма маблағлар – хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар. Айланма фондлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари киради. Муомала фондлари таркибига тайёр маҳсулотлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағлар киради.

а) Асосий бўлмаган сиёсий ташкилотлар.

б) Асосий сиёсий ташкилотлар.

Аҳолининг реал даромадлари – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар микдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

Базель қўмитаси талаблари – банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган халқаро меъёрлар мажмуи бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайди.

Бандлик – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

Банкрот – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича крудиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.

Барқарорлик – нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати.

Бизнес – фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтоҷликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англаради.

Бозор конъюнктураси – муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

Бюджет дефицити – бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

Глобал молиявий-иқтисодий бозор – жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.

Даромад солиғи – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солик).

Даромад солиғи ставкалари – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларни онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Дефляция – инфляция даврида муомаладаги қоғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул - кредит тадбирларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Диверсификация – (лотинчадан *diversus*- ҳар хил ва *facere*-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Диверсификация стратегияси – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

Дивиденд – акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

Жаҳон банки – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

Жаҳон бозори конъюнктураси - жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Жорий конъюнктура – муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги – мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиш, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш ва кенгайтира олиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш лаёқати бўлиб, қуйидагилар орқали белгиланади: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иктисодий даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати,

инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, мутлақ ва нисбий устунликларнинг мавжудлиги.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади.

Иқтисодий ноҷор корхоналар – муайян микдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта микдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона.

Иқтисодий ўсиш – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши.

Импорт – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини, технологиясини ва хизматларни олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У вақтни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвентаризация – корхоналар, фирмалар, ташкилотларда нақд мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш; натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқариши кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

Инвестицион лойиҳа дастури - Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий хужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури.

Инвестицион сиёsat – савдо менежменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонани ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўлларини тиклашни назарда тутади.

Инвестицион солиқ кредити – солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилади, агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асос бўлса, у ҳолда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вақт ичida босқичма – босқич тўлаш мумкин бўлади.

Инвестицион ҳамкорлик - халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш

орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш кабиларни мақсад қилган.

Инвестиция – бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қофозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

Инвестиция дастури – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур.

Инвестиция комплекси - инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси.

Инвестиция мухити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвестиция фаолияти - инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Инвестиция фаолияти иштирокчилари - буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, сугурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидаги қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша оловчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

Инвесторлар - хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Инновацион технологиилар – иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

Инновация жараёни - янгилик гоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг

қуидаги босқичлари мавжуд - янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Инфляция – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичидаги (ой, йил) нархлар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Инфратузилма – товар ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш.

Ипотека – банкнинг гаров хат, кўчмас мулк гарови асосида муайян муддатга ссуда бериши.

Ипотека кредити – жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узок муддатли кредит. Ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида берилади.

Истеъмол – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

Истеъмол кредити – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати дастаги. У банклар ва бошқа маҳсус кредит институтлари томонидан аҳолининг узок муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун бериладиган кредит.

Истеъмол товарлари – инсон эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган истеъмол буюмларининг товар шакли; пулга сотиб олиб, истеъмол этиладиган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар.

Иш билан банд бўлган жами аҳоли – ишчи кучи (иқтисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми.

Ишлаб чиқариш – маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташки шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб; замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни

бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Ишсизлик – иқтисодий жиҳатдан актив (фаол) аҳолининг бир қисми ўз кучини қўллай олмай «ортиқча» бўлиб, меҳнат захираси армияси бўлиб қолиш ҳодисаси.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Капитал қурилиш - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиха-қидирав ишларини бажариш.

Капитал қўйилмалар - қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш обьектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория. Давлат томонидан (давлат буюртмаси), турли мулкчилик шаклларидағи корхоналар, ташкилотлар, банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналар қуришга ёки амалдаги корхоналарни қайта таъмирлашга йўналтирилиши мумкин.

Капитал таъмирлаш – асосий воситаларни йирик кўламда буткул деталлари, қисмларини алмаштириш билан боғлиқ қайта таъмирлаш тушунилади.

Капитал харажатлар - асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва захираларнинг ўсиши.

Касаначилик – йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

«Катта йигирмалиқ» – 20 та йирик мамлакатлар гуруҳи бўлиб, унга жаҳондаги энг бой мамлакатлар ва йирик ривожланаётган давлатлар киради ва улар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиз улуши тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикаизда саноат ишлаб чиқаришнинг айrim тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати

ва бошкаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Кичик корхоналар – мустақил хўжалик фаолиятини олиб борувчи, ўз балансига бўлган, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган фойдасини ўзи тақсимлайдиган корхона.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки – қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узок муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ 2009 йил 30 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг устав капитали 150 миллиард сўм миқдорида шакиллантирилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўйба инжиниринг компанияси – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалар ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Конъюнктура – бу бозорда маълум бир вақтда юзага келган иқтисодий ҳолатdir (асосан талаб ҳамда таклиф нисбати ва у билан боғлиқ бўлган нархлар даражаси орқали юзага келади).

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узок муддатли алоқаларни ўрнатиши.

Корхоналарга преференция бериш – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кириладиган хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

Корхоналарни техник қайта қуроллантириш – алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускунларни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Корхонанинг инновацион салоҳияти – корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳиятининг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

Кредит – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини муайян тамойиллар асосида қайтариш шарти билан фойдаланишга бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Кутилаётган инфляция даражаси – мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Меҳнат бозори – меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи шартномалар асосида ишчи кучи харид қилиш - сотишни амалга оширувчи, шунингдек, унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга соловчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсувчи ва очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир.

Меҳнат ҳақи – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йигиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Микрокредит – хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва дехқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

Микрофирма – кичик бизнес корхонасининг бир тури. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиши соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Модернизация – объектни тадомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молия-банк тизими – тарихан шаклланган ва белгиланган қонун қоидалар асосида фаолияти юритувчи мамлакатдаги молия-кредит муассасалари мажмуидир.

Молиявий «кўпиклар» – реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар ҳажмининг кўпайиши.

Молиявий институтлар – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

Молиявий манбалар – иқтисодиётнинг турли даражасидаги чоратадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа қўринишларда бўлиши мумкин.

«Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонаси – жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳистини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона худудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айrim соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Протекционизм – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айrim товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман тақиқланади.

Пудрат – шартнома ёки хўжалик юритишнинг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

Пул - кредит сиёсати – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Пул – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган маҳсус товар.

Реконструкция (қайта тиклаш) – фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан

алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Сальдо - муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ.

Самарали иқтисодий сиёsat – давлатнинг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган, изчил ва ўзаро уйғунлаштирилган чора-тадбирлари мажмуи.

Сектор – институцион бирликлар йифиндиси бўлиб, уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳуқуки ҳам ўхшашиб кетади.

Сервис – жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш-техника мақсадларида маҳсулотларни, моддий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Солиқ кредити – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби – кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган солиққа тортиш тартиби.

Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёри.

Солиқ юки – солиқ тўловчиларнинг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йифиндисидир. Мамлакат миқёсида муайян даврдаги барча тўланган солиқлар ва йиғимларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ҳам солиқ юкини ифодалайди.

Солиқ юкини енгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

Солиқлар – белгиланган ва муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Солиқларни унификация қилиш – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш обьекти ўхшашиб бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

Талаб – харидор, истеъмолчиларни бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги; бозорга олиб чиқилган ва пул имкониятлари билан таъминланган эҳтиёжлар.

Таниарх – маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун кетган барча харажатларнинг қиймати.

Таркибий ўзгаришлар – миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгаририб бориш. Таркибий ўзгаришлар ўз ичига янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истиқболга эга бўлмаган тармоқларни қисқартириш каби чора-тадбирларни олади.

Ташқи қарз – мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи нодавлат қарзлар – мамлакатдаги хусусий шахслар (молия муассасалари, корхоналар ва аҳоли) томонидан бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

Ташқи савдо сиёсати – бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг ҳуқуқлилик ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

Телекоммуникацион инфратузилма – компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси – бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуасидир.

Телекоммуникация – симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишидаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни.

Тижорат банклари – саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек хусусий мижозларга турли турдаги банк хизматларини кўрсатишига ихтисослашган банклар.

Турмуш даражаси – аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

Тўғридан – тўғри инвестициялар – бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиши жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

Тўлов баланси – муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар суммалари нисбатини тавсифлайди. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва хизматлар ҳақи, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар киради.

Узоқ муддатли депозитлар – жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган пул кўринишидаги жамғарма ва омонатлар.

Унификация – турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

Уяли алоқа – уяли тармоққа асосланган мобиЛЬ радиоалоқанинг бир тури.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги молиявий муассаса бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда самарали таркибий ва инвестициявий сиёsatни амалга оширишдан иборат. Бугунги кунда мазкур фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этади.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект.

«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси – фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акционерлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

Фонд бозори – қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи маҳсус ташкиллаштирилган бозор.

Халқаро валюта жамғармаси – халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғарамаси – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган хукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган.

Халқаро ташкилотлар – уларнинг ҳар бири халқаро сиёsatда ўзларининг фаолият мақсадлари йўналишларига қараб, ер юзи тараққиётида эгаллаб турган мавқеларига қараб, умуман халқаро сиёсий-амалий муносабатлар жараёнида ҳаракатларга киришадиган бошқа халқаро ташкилотлар тизимидағи мақомларига қараб аҳамият касб этадилар.

Халқаро транзит - хорижий юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари берилган мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлиши шартида ташилишидир. Агар товарлар божхона омборига жойлаштирилмасдан ташилса бевосита халқаро транзит, божхона омборидан фойдаланилса – билвосита халқаро транзит ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, майший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (хукуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

Ҳозирги иқтисодий адабиётларда кўпроқ инвестициялар деган синоним термин кўлланилади, тўғридан - тўғри инвестициялар, реал инвестициялар ва асосий капитал каби терминлар ҳам кўлланилади.

Хусусий тадбиркорлик – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Хусусий ташкилотлар – демократик давлатларда, индивидуаллар ва хусусий ташкилотлар мустақил иш юритишга ҳаракат қиласи. Масалан, рўзнома ва ойномалар хусусий тарзда бошқарилади. Давлат мактаблари билан хусусий мактаблар ҳам фаолият кўрсатади. Кўплаб корхоналар хусусий тарзда бошқарилади. Британия, Швеция ва кўплаб давлатларда (яъни демократик давлатларда) саноат ва хизмат кўрсатишнинг айрим тармоқларига давлатнинг ўзи эгалик қиласи. Тоталитар давлатларда эса ҳукуматнинг ўзи аксарият уюшмалар ва ташкилотларни шакллантиради ва назорат қиласи. Бу давлатларда одамлар давлатнинг рухсатисиз бирор-бир гурухга бирлаша ҳам олмайдилар.

Шахсий даромад – жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

Шахсни мунтазам камол топтириш – фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим шарти ва таркибий қисми. Шахсни ривожлантириш жараёнлари инсоннинг салоҳият ва мақсадларини рўёбга чиқариш борасида нафақат давлат, жамият таъсири, балки шахснинг ўз саъй-харакатларини фаоллаштиришни ҳам тақозо этади.

Экспорт – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

Эмиссия – қоғоз пулларнинг ғазнахонага ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши; барча шаклдаги пул белгиларини муомалага чиқариш.

Эркин индустрисал - иқтисодий зона – мамлакат ҳудудининг хорижий мамлакатлар томонидан турли шакллардаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун рухсат этилган қисми. Мазкур зоналарда маҳсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлиш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган бўлади.

Эркин сайловлар – халқка ўз лидерларини танлаш хукуқини ҳамда лидерлар ва халқка ўз фикрларини баҳсли масалаларда эркин билдириш хукуқини беради. Сайловларда сайланган шахслар чиндан ҳам халқнинг вакиллари эканлигига ишонтириш учун вақти - вақти билан учрашувлар

ўтказиб турадилар. Сайланиш имконияти бундай вакилларни халқ фикр иродасига эътибор беришларини кафолатлаш учун кўмак бўлади.

Ягона солик тўлови – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солик ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи солик тури.

Ялпи ички маҳсулот – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги "Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 278-сонли Қарори.

II. Махсус адабиётлар

1. Me Connell, Brue. Economics. 17th edition. McGraw-hill/Irwin, USA, 2014.
2. N. Gregory Mankiw. Principles of Economics, 7th edition. Amazon, USA 2016.
3. Paul A. Samuelson, William D. Nordhaus. Economics. 19th Edition. McGraw-Hill Companies. USA. 2015.
4. Бондарев А.К. Международные экономические отношения: Учебник/ А.И.Евдокимов, А.К.Бондарев, С.М.Дроздов;Под ред.А.И.Евдокимов.- М.:Проспект 2013, 656 с.
5. Пономарева Е.С. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебное пособие/Е.С.Пономарева, Л.А.Кривенцова. - М.: ЮНИТИ, 2013. - 287 с
6. Г.Г.Назарова, З.М.Иминов, Х.Х.Халилов, О.Б.Хамидов. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2011.
7. Krugman. Obstfeld.Melitz. International Economics. 2014, Prentice Hall.
8. James Gerber. International Economics. Fifth Edition. Pearson, 2012. - 471 pages.
9. Greg Ip. The Little Book of Economics: How the Economy Works in the Real World. John Wiley & Sons, 2012. - 288 pages.
10. Howard Richards. Understanding the Global Economy. Peace Education Books, 2014. - 311 pages.

11. Чеботарев Н.Ф. Мировая экономика и международные экономические отношения. Учебник для бакалавров / Н.Ф.Чеботарев.- М.:Дашков и К, 2013.- 352 с.
12. Мороз И.И. Мировая экономика и международные экономические отношения (для бакалавров) / И.И.Мороз.-М.: КноРус, 2013. 256 с.
13. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўкув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2007, - 14 б.
14. Международные валютно–кредитные отношения: Учебник для вузов /Под ред.Л.Н.Красавиной. –4–е изд., перераб. и доп . –М.: Издательство Юрайт, 2014. –543с.
15. Global Financial Markets./7 the edition. Stephen Valdez & Philip Molyneux. Palgrave McMillan, 2013. 537p.

III. Интернет ресурслари

1. www.gov.uz — Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
2. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.uza.uz — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги
4. www.ifmr.uz - Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти
5. www.ziyonet.uz - Ziyonet таълим портали
6. www.economics.ru — “Экономическая газета” газетасининг расмий сайти